# УШБУ ҚЎЛЛАНМАДА НАФАҚАТ МТС КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ХИЗМАТЛАР РЎЙХАТИ, БАЛКИ УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШГА ДОИР ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАР ВА ТАВСИЯЛАР БИЛАН ҲАМ ТАНИШИШИНГИЗ МУМКИН

Қўшимча хизматларнинг тўлиқ рўйхати ва тарифлари тўғрисидаги маълумотлар билан компаниянинг
www.mts.uz
корпоратив сайтида батафсил танишиш мумкин.

Тошкент - 2011 й.
«УЗДУНРОБИТА» ХК

# ҚЎЛЛАНМА МУНДАРИЖАСИ


Қўнғироқни бошқа рақамга ўтказиш . . . 3
- Қўнғироқни кутиш/ушлаб туриш . . . 3
- Конференц-алоқа . . . 4
- Қўнғироқни тақиқлаш . . . 4

Рақам аниқлаш . . . 5
- Телефон рақамини аниқлашни тақиқлаш . . . 5

МТС-синхронлаштириш . . . 5
SMS-service . . . 6
- Sms-пакетлар . . . 8
- Халқаро sms-пакетлар . . . 8
- Sms-agent@mail.ru . . . 9
- Мой мир@mail.ru sms–нотификацияси . . . 9
- SMS-extra . . . 12
- E-mailга Sms . . . 14
- Error SMS . . . 14

GPRS . . . 15
Интернет-пакетлар . . . 15
3G мобил алоқанинг янги авлоди . . . 16
- Видеоқўнғироқ . . . 17
- Юқори тезликда 3G интернет . . . 17
- Мобил ТВ . . . 17

4G — энди Ўзбекистонда! . . . 18
Тунги интернет . . . 18
EDGE . . . 19
MMS-service . . . 19
- MMS-пакетлар . . . 20
- Халқаро MMS . . . 21

WAP . . . 21
Созлаб ол . . . 23
Менинг рақамим . . . 23
Ташрифнома . . . 24
Менга қўнғироқ қилинг . . . 24
Мобил e-mail . . . 24
Тунги мулоқот . . . 25
Мобил портал . . . 25
Мобил ёрдамчи . . . 27
- Sms ёрдамчи . . . 28
- Интернет ёрдамчи . . . 29

Сизга қўнғироқ қилишди . . . 30
Яна алоқада (notify me!) . . . 33
Алоқада . . . 34
Good'OK . . . 36
Мобил открыткалар портали . . . 39
Алиби . . . 39
Vip-кун . . . 39
Тўғридан-тўғри ўтказиш . . . 40
Ишончли тўлов . . . 41
«Мобил-таун» овозли портал (ivr-interactive voice response) . . . 41
«INFORM MOBIL TASHKENT», «NIKITA MOBILE», «FLASHFON» контент хизматлари . . . 42
Инфоконтент . . . 42
MTS PLUS . . . 43
Экспресс тўлов карточкалари . . . 45
Халқаро роуминг . . . 45
- GPRS-роуминг . . . 46
- 3G-роуминг . . . 47

Қисқа рақамлар хизмати . . . 48
- Шаҳар телефонлари қисқа рақамлари (Тошкент ш.) . . . 48

Ўзбекистон мобил операторлари префикслари . . . 48
Шаҳар кодлари . . . 48

## ҚЎНҒИРОҚНИ БОШҚА РАҚАМГА ЎТКАЗИШ

Ушбу хизмат мобил телефонингизга келаётган қўнғироқларни сиз кўрсатган истаган шаҳар телефон рақами ёки бошқа мобил телефон рақамига (тегишли код орқали шаҳарлараро ва халқаро рақамга ҳам) ўтказиш имконини беради.

Бу хизматдан фойдаланиш учун аввал уни ўрнатиш, сўнгра телефон менюси ёки клавишалари ёрдамида активлаштириш зарур

| | |
|---|---|
| Қўнғироқни шаҳар ва мобил телефон рақамларига ўтказишни активлаштириш:<br>**** код* телефон рақами #** 📞 | Кодлар:<br>**21** – барча қўнғироқлар/all calls<br>**67** – рақам банд бўлган пайтдаги барча қўнғироқлар/on busy<br>**61** - рақам жавоб бермаган пайтдаги барча қўнғироқлар/no reply<br>**62** – телефон хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарида бўлганда ёки ўчирилган пайтдаги барча қўнғироқлар/ unreachable |
| Хизмат ўрнатилганини текшириш:<br>***# код #** 📞<br>Хизматни ўчириш:<br>**## код #** 📞 | |

## ҚЎНҒИРОҚНИ КУТИШ/УШЛАБ ТУРИШ

Қўнғироқни кутиш режими бошқа абонент билан гаплашиш пайтида иккинчи кирувчи қўнғироққа жавоб бериш (ёки бошқа абонентга қўнғироқ қилиш), кирувчи қўнғироқни дастлабки суҳбатлашиш тугагунча ушлаб туриш, яъни ҳар икки абонент билан навбатма-навбат гаплашиш имконини беради.

Бу хизматдан фойдаланиш учун аввал уни ўрнатиш, сўнгра активлаштириш зарур.

- **Хизматни активлаштириш:**
  * 43 # 📞
- **Хизматни ўчириш:**
  # 43 # 📞

Иккита абонент билан кетма-кет уланиш тартиби:

1. Биринчи абонент билан гаплашиш чоғида сизнинг телефонингизга иккинчи абонент қўнғироқ қилаётганини маълум қиладиган овозли сигнал келади.
2. Сўзлашувни иккинчи линияга ўтказиш учун аппарат моделига қараб, ундаги алоҳида кўрсатилган клавишани босиш зарур (аппаратдан фойдаланиш кўрсатмасига қаранг).

   **0** 📞 - қўнғироқни рад этиш/ушлаб турилган қўнғироқни тугатиш. Бунда абонент **«Банд»** сигналини эшитади. Агар телефонга **«Рақам банд бўлган пайтда қўнғироқни бошқа рақамга ўтказиш (Divert on busy)»** хизмати ўрнатилган бўлса, унда ушбу қўнғироқ кўрсатилган бошқа рақамга ўтказилади.

   **1** 📞 - жорий сўзлашувни тугатиш ва қўнғироқни қабул қилиш.

   **2** 📞 ёки 📞 - қўнғироқни қабул қилиш.

   **2**📞 - қўнғироқ ҳолатини ўзгартириш (жорий сўзлашувни ушлаб туриш, кирувчи қўнғироққа жавоб бериш).

   N 📞 - барча актив қўнғироқларни ушлаб туриш ва бошқа қўнғироқ қилиш.

   **Изоҳ:** айни пайтда МТС тармоғида битта қўнғироқни ушлаб туриш ва битта актив қўнғироқ бўйича гаплашиш мумкин. Учинчи қўнғироққа жавоб бериш учун эса олдинги қўнғироқлардан бири бўйича гаплашишни тугатиш лозим.

## КОНФЕРЕНЦ-АЛОҚА

Конференц-алоқа режими бир пайтнинг ўзида бир неча кишининг (6 нафаргача конференция иштирокчиси ва конференция ташаббускорининг) сўзлашувини ташкил қилиш имконини беради.

**«Конференц-алоқа»** хизматига уланган МТС абоненти конференц-алоқа ташаббускори бўлиши мумкин. У янги конференцияни ташкил этиши ва унинг мақомини ўзгартириши (иштирокчиларни киритиши ва чиқариши), конференцияни кутиш режимига ўтказиши (бунда конференция иштирокчилари ўзаро сўзлашувни давом эттириши мумкин), шунингдек бошқа абонентга қўнғироқ қилиши ҳамда кирувчи қўнғироқларни қабул қилиши мумкин.

Конференция иштирокчилари мобил алоқа тармоқлари абонентлари ҳам, шаҳар тармоқлари абонентлари ҳам бўлишлари мумкин (бунинг учун МТС абонентларининг қўшимча хизматларни ёқтириши талаб қилинмайди). Конференция пайтида мобил алоқа абонентлари **«Қўнғироқни кутиш ва ушлаб туриш»** режимидан фойдаланиши мумкин (агар тегишли хизмат уланган бўлса). Конференция иштирокчиси телефон сўзлашувини якунлаб, конференциядан мустақил равишда чиқиш имкониятига эга. Бунда конференциянинг бошқа иштирокчилари ўзаро сўзлашувни давом эттириши мумкин.

**«Конференц-алоқа»** хизмати фақат **«Қўнғироқни кутиш»** хизмати билан биргаликда кўрсатилади. Ушбу хизматни сиз шартнома тузиш вақтида ёки кейинчалик ўрнатишингиз мумкин.

**«Конференц-алоқа»** хизматидан фойдаланиш тартиби:

Конференц-алоқа режимини активлаштириш учун телефон менюсидаги тегишли пунктни танлаш (аппаратга илова қилинадиган қўлланмага қаранг) ёки қуйидаги жадвалда келтирилган қоидаларлардан фойдаланиш лозим.

**«Конференц-алоқа»** хизматидан фойдаланишда бошқарув кодлари

| Амалда бажариладиган иш | Клавиатурадан териш |
|---|---|
| Конференциянинг янги иштирокчисини улаш | 3✆ |
| Конференциянинг мақомини ўзгартириш (уни актив режимдан ушлаб туриладиган режимга ўтказиш ва аксинча) | 2✆ |
| Конференциядан тартиб рақами Х бўлган иштирокчини чиқариш | 1Х✆ |

## ҚЎНҒИРОҚНИ ТАҚИҚЛАШ

Ушбу хизмат телефонингизни бошқа шахсга берганингизда (телефондан фойдаланишни чеклаш) ёки маълум бир қўнғироқларга жавоб беришни истамасангиз, кириш ва чиқиш қўнғироқларини чеклаш имконини беради.

Ушбу хизматдан фойдаланиш учун, уни телефон менюси ёки клавишалари ёрдамида активлаштириш зарур.

**«Қўнғироқни тақиқлаш»** хизматидан фойдаланиш учун телефон клавиатураси ёрдамида махсус кириш кодини (пароль) териш зарур. Ҳар бир фойдаланувчи учун бошланғич пароль - **0000**. Паролни телефон менюси ёки клавишалари ёрдамида ўзгартириш мумкин.

- **Паролни ўзгартириш (Network Password Change)**
  ****03*330* эски пароль*янги пароль* янги пароль #✆**

| Хизматни активлаштириш | Хизматни ўчириш |
|---|---|
| ***код*пароль#✆**<br>Хизмат ўрнатилганини текшириш<br>**#код #✆** | **#код*пароль#✆**<br>Барча кодлар активлигини ўчириш<br>**#330*пароль#✆** |
| Кодлар:<br>**33** - барча чиқувчи қўнғироқлар<br>**331** - барча чиқувчи халқаро қўнғироқлар<br>**332** - барча чиқувчи халқаро қўнғироқлар, ўз мамлакати йўналиши бўйича қилинадиган қўнғироқлар бундан мустасно<br>**35** - барча кирувчи қўнғироқлар<br>**351** - роумингда барча кирувчи қўнғироқлар | |

## РАҚАМ АНИҚЛАШ

**«Рақам аниқлаш»** хизмати мобил телефон дисплейида сизга қўнғироқ қилаётган мобил алоқа абонентининг телефон рақамини кўриш имконини беради. Шаҳар телефон тармоғи абонентлари рақамларини ҳам аниқлаш мумкин, бироқ бу кафолатланмайди.

## ТЕЛЕФОН  РАҚАМИНИ АНИҚЛАШНИ ТАҚИҚЛАШ

**«Телефон рақамини аниқлашни тақиқлаш»** хизмати бошқа мобил алоқа абонентларига қўнғироқ қилганингизда телефон рақамингизни кўришни тақиқлаш имконини беради.

**Изоҳ:** Абонентнинг мобил телефон рақами оддий шаҳар тармоғига уланган рақамни аниқловчи аппарат ёрдамида аниқланиши мумкин.

## МТС-СИНХРОНЛАШТИРИШ

**«МТС-Синхронлаштириш»** хизмати мобил телефонингиздаги телефон рақамлари, тақвимдаги алоҳида саналар, қайдлар ва SMS-хабарларни кўчириб олиб, хизматнинг sync.mts.uz сайтида сақлаш имконини беради. Энди Сиз телефонингизни йўқотиб қўйсангиз ёки алмаштирсангиз, янги телефонга барча керакли маълумотни осонгина тиклаб олишингиз мумкин. Шахсий кабинетингиздаги барча маълумотлар шифр ва парол билан ҳимояланган, уларни фақат эгаси кўриши ва таҳрир қилиши мумкин.

**«МТС-Синхронлаштириш»** хизматидан фойдаланиш учун **«GPRS-WAP+INTERNET +MMS»** хизматига уланиш керак.

### «МТС-СИНХРОНЛАШТИРИШ» ХИЗМАТИНИ ЁҚИШ ВА ЎЧИРИШ

| | Активлаштириш | Ўчириш | Ҳолатни текшириш |
|---|---|---|---|
| **USSD-командалар** | ***111*0281#** | ***111*0280#** | ***111*028#** |
| **SMS** | **616028** рақамига **1** юбориш | **616028** рақамига **0** юбориш | **616028** рақамига бўш SMS юбориш |

**Изоҳлар:**

* Агар абонент телефонида **«GPRS-WAP+INTERNET+MMS»** хизмати ёқилмаган бўлса, **«МТС-Синхронлаштириш»** хизмати ёқилса, **«GPRS-WAP+INTERNET+MMS»** хизмати автоматик тарзда ёқилади ва ушбу хизмат учун абонент тўлови ёзилади (МТС-Коннект тарифидан ташқари).

** «**МТС-Синхронлаштириш»** ўчирилса, абонент профили (унинг шахсий кабинетида сақланадиган барча маълумотлар) хизмат ўчирилгандан кейин 24 соат давомида хизмат платформасида сақланади, шундан сўнг автоматик равишда ўчирилади.

## ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНИШ

Хизмат ёқилганидан кейин Сиз хизматнинг sync.mts.uz сайтидаги шахсий кабинетга кириш учун парол кўрсатилган SMS-хабар оласиз.

Шахсий кабинетга кириш учун тегишли майдонда телефон рақами ва хизматни активлаштиришда берилган паролни киритишингиз керак.

Сиз шахсий кабинетга кириш паролини мустақил равишда икки ҳил усул билан ўзгартиришингиз мумкин:
- Шахсий кабинетнинг бош саҳифасида;
- **5001** бепул рақамига **New<пробел>psw<пробел>** янги парол командасини SMS орқали юбориш керак.

Парол сонлар ва лотин ҳарфларидан иборат бўлиши мумкин. Парол узунлиги 4 тадан 20 тагача бўлиши лозим.

Агар паролни унутиб қўйсангиз, ундан **5001** рақамига SMS орқали **PSW** командасини юбориб, уни тиклаш мумкин.

Сайтда Сиз шахсий кабинетнинг бош саҳифасида телефон моделини кўрсатиб, синхронлаштириш созлашларини олишингиз мумкин. Шунингдек, мобил телефондан **5001** бепул рақамига SMS орқали **S** ҳарфини юбориб, синхронлаштириш созлашларини олиш мумкин. Созлашларни олганингиздан кейин ушбу соз-лашлардан фойдаланишингиз ва телефондан синхронлаштиришни ишга туширишингиз керак.

Телефондан синхронлаштириш тугаганидан кейин Сиз шахсий кабинет саҳифасини янгилашингиз керак. У ерда телефонингиздан муваффақиятли синхронлаштирилган маълумотлар учун бўлимлар пайдо бўлади (масалан, “Телефон рақамлари”). Маълумотлар қуйидаги бўлимлар бўйича гуруҳларга бўлинади: Телефон рақамлари, Хабарлар, Тақвим, Қайдлар, Закладкалар. Агар мобил телефонингиз юқорида кўрсатилган маълумотларнинг бирор турини синхронлаштиришга мослашмаган бўлса, унда сайтда тегишли бўлим ҳосил бўлмайди.

Сайтда Сиз янги маълумотларни қўшиб ёки ўзгартириб, ахборотларни осон бошқаришингиз мумкин. Кейинги синхронлаштиришда барча маълумотлар мобил телефонингизда автоматик равишда янгиланади.

«Хабарлар» бўлимида иккита кичик бўлим жойлашган: «SMS-хабарлар» ва «Телефондаги SMS» (агар телефонингиз SMS-хабарларни синхронлаштиришга мослашмаган бўлса, унда сайтда иккинчи бўлим пайдо бўлмайди).

«Телефондаги SMS» бўлимида Сизнинг мобил телефонингиздан кўчириб олинган барча SMS-хабарлар акс этади. Сиз уларни кўришингиз ва ўчириб ташлашингиз мумкин.

«SMS-хабарлар» бўлимида Сиз тўғридан-тўғри сайтдан SMS-хабарларни юборишингиз мумкин, бунда уларни қабул қилувчи абонентлар “Юборувчи” майдонида Сизнинг рақамингиз кўрсатилган оддий SMS-хабарларни қабул қилади. Улар худди мобил телефонингиздан юборилгандек акс этади. Агар қабул қилувчи абонент Сизнинг хабарингизга жавоб ёзса, жавоб хабари мобил телефонингизга боради. Хизмат сайтидан SMS-хабарларни юбориш худди мобил телефондан SMS-хабарлар юбориш сингари тариф режангизга мувофиқ баҳоланади.

# SMS-SERVICE

## УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

**SMS** – қисқа хабарлар хизмати бўлиб, абонентларга мобил телефон орқали қисқа

(матнли) хабарлар, расмлар ва куй-қўшиқларни жўнатиш ҳамда қабул қилиш имкониятини беради. Шу асосда бошқа хизматлар ҳам кўрсатилади. Бунда матн мобил телефон клавиатураси орқали терилади ва бошқа абонентга жўнатилади.

**SMS**-хабарларни териш, жўнатиш ёки олинган хабарларни кўриб чиқишда мобил телефондан фойдаланиш йўриқномасига амал қилинг. МТСнинг бошқа филиаллари абонентлари учун хабар олувчининг телефон рақамини тўлиқ халқаро форматда кўрсатиш лозим, яъни: **+998 (шаҳар коди) (абонент рақами).**

**Шаҳарлар коди:** Тошкент - **97**, Урганч - **62**, Самарқанд - **66**, Нукус - **61**, Чирчиқ – **7071**, Андижон - **74**, Бухоро - **65**, Жиззах- **72**, Сирдарё - **67**, Қашқадарё - **75**, Сурхондарё - **76**, Фарғона - **73**, Навоий - **79.**

Олувчининг рақамини кўрсатишга мисол – 1030909: **+998971030909**.

Барча **SMS**-хабарларга МТС **SMS-маркази** хизмат кўрсатади, у **SMS**-хабарларни қабул қилади, қайта ишлайди ва тегишли абонентга етказади. Шунингдек, марказ орқали **SMS**-хизматига айрим ўзгартиришлар ҳам киритиш мумкин. Батафсил маълумотни **www.mts.uz** сайтидан олишингиз мумкин.

## ХАБАРЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Сиз хабар жўнатган абонент ушбу хабарни қабул қилгани ҳақидаги маълумотни икки услубда текшириши мумкин:

- Агар телефонингиз хабарномани сўраш функциясига мослаштирилган бўлса, тармоқ воситалари орқали (маълумотларни созлашга қаранг). Бунда телефонингиз хабарни жўнатишда тизимдан хабарни етказиб бериш натижалари тўғрисида «ҳисобот бериш»ни сўрайди.
- SMS-маркази орқали. Бунинг учун хабарни тузишда унинг бошида «.» (нуқта) белгисини қўйиш зарур. Масалан **«.Ассалому алайкум»**. Бу билан сиз тизимдан хабарни етказиш натижаси ҳақида маълумот сўрайсиз.

**Изоҳ:** иккинчи услубдан фойдаланишда хабар матнли шаклда жўнатилаётганига ишонч ҳосил қилинг.

## МАЪЛУМОТ БЕРИШ ХИЗМАТИ

**SMS**-маркази орқали мобил телефон хизматлари учун шартнома бўйича ҳисобингиздаги мавжуд баланс (маблағлар қолдиғи) ва ой бошидан буён ҳисобланган тўловлар тўғрисида маълумот олишингиз мумкин. Бунинг учун хизмат рақамларидан бирига жавобни олиш тилини тартибга солувчи тил префиксини жўнатиш лозим:

| Команда | Хизмат рақами** | Команда натижаси |
|---|---|---|
| Тил префикси* | **6111** | Ҳисобингизда мавжуд баланс тўғрисида маълумот |
| Тил префикси | **6112** | Ҳисобланган маблағ тўғрисида маълумот |
| Бўш хабар | **6113** | Охирги рўйхатга олинган тўлов тўғрисида маълумот |

*Тил префикси:

**u, U, Y, y, У** ёки **1** рақами - Ўзбек тили учун

**r, R, p, P** ёки **2** рақами - Рус тили учун

**e, E** ёки **3** рақами - Инглиз тили учун

**Ҳақ тўланмагани учун телефон ўчирилмаган бўлса

## ХАЛҚАРО SMS–ХАБАРЛАРНИ ЖЎНАТИШ

**SMS**-хабарларни фақат **МТС** тегишли шартнома тузган компанияларнинг абонентларига жўнатиш мумкин.

Бошқа давлат абонентларига хабар юбориш учун абонент телефон рақамини халқаро форматда киритиш лозим:
**+<Давлат коди><оператор коди>телефон рақами**

## АХБОРОТ ХИЗМАТИ

Тошкент вақти тўғрисида маълумот олиш учун **6221** рақамига **БЎШ** хабар жўнатиш лозим;
Доллар курси тўғрисида маълумот олиш учун **6222** рақамига **БЎШ** хабар жўнатиш лозим.

## SMS-ПАКЕТЛАР

МТС компанияси ўз абонентлари учун янги **«SMS-пакетлар»** хизматини ишга туширди. Абонентларга қулайроқ шартларда **5** та турли комплектларда чиқувчи SMS-хабарлар таклиф этилади. Оддий ҳисоб-китоб шуни кўрсатадики, абонентлар учун **«SMS-пакетлар»**дан фойдаланиш анъанавий SMS-хабарлардан арзонроқдир. **«SMS-пакетлар»**даги хабарларни Ўзбекистоннинг барча мобил операторлари абонентларига жўнатиш мумкин:

> ***111*017*х#** рақамига USSD сўров юбориб, **«SMS-пакетлар»** хизматидан фойдаланиш мумкин, бу ерда "**х**" тегишли **«SMS-пакет»**ни англатади

Қуйидаги **«SMS-пакетлар»**га уланиш мумкин:

| Пакет | Пакетдаги SMS-хабарлар сони | Пакетни активлаштириш учун USSD-команда |
|---|---|---|
| **«SMS 60»** | 60 | ***111*017*1#** |
| **«SMS 150»** | 150 | ***111*017*2#** |
| **«SMS 250»** | 250 | ***111*017*3#** |
| **«SMS 550»** | 550 | ***111*017*4#** |
| **«SMS 850»** | 850 | ***111*017*5#** |

Пакет улангандан сўнг ҳисобдан унинг қиймати олинади. Бир вақтнинг ўзида ҳар бир рақамда иккитагача **«SMS-пакетлар»**ни активлаштириш мумкин. Ҳар бир **«SMS-пакет»**нинг амал қилиш муддати - активлаштирилгандан бошлаб 30 кун.

Ҳолатни текшириб кўриш ва активлаштирилган SMS-пакетда қанча фойдаланилмаган хабарлар қолганини билиш учун ***111*017#** USSD-командани юбо-риш зарур.

Барча тариф режаларидаги абонентлар – жисмоний шахслар **«SMS-пакетлар»** хизматига уланишлари мумкин. Юридик шахслар **«Корпоратив Интернет ёрдамчи»** ёрдамида ёки компания офисларига ёзма ариза бериб, **«SMS-пакетлар»** хизматига уланишлари мумкин.

## ХАЛҚАРО SMS-ПАКЕТЛАР

**«Халқаро SMS-пакетлар»** хизмати абонентларга ўз рақамларига арзон нархларда чиқувчи халқаро SMS-хабарларни улаб олиш имконини беради. **«Халқаро SMS-пакетлар»** хизмати турли миқдордаги SMS-хабарларни ўз ичига олади, уларни хорижий мобил операторлар абонентларига юбориш мумкин.

**«Халқаро SMS-пакетлар»нинг 3 та пакетини активлаштириш мумкин:**

| Пакет | SMS-хабарлар сони | Пакетни активлаштириш учун USSD-команда* |
|---|---|---|
| **«SMS 20 International»** | 20 | ***111*026*1#** |
| **«SMS 60 International»** | 60 | ***111*026*2#** |
| **«SMS 100 International»** | 100 | ***111*026*3#** |

* USSD-командалардан жисмоний шахс бўлган абонентлар фойдаланишлари мумкин.

Пакет нархи активлаштирилганда олинади ва ҳар бирининг амалда бўлиш муддати – 30 кун. Битта рақамга бир вақтнинг ўзида 2 тагача **«Халқаро SMS-пакет»**ни улаш мумкин.

Активлаштирилган **«Халқаро SMS-пакет»**да қолган хабарлар сонини билиш учун ***111*026#** USSD-командасини юбориш керак.

**Изоҳлар:**

SMS-пакетларда барча чиқувчи халқаро SMS-хабарлар ҳисобга олинади, China Mobile, China Unicom, China Telecom (Хитой), South Korea Telecom, LTG, KTF (Корея), Telefonica Moviles (Испания), Vodafone Omnitel, Wind Telecomunicazioni S.p.A. (Италия), T-Mobile (Голландия), Turkcell (Туркия), AT&T mobility LLC (АҚШ), Orange (Франция), Telstra (Австралия), Orange (Испания) абонентларига юборилган хабарлар бундан мустасно. Ушбу операторлар абонентларига чиқувчи SMS-хабар ўрнатилган тарифларга мувофиқ нархланади.

E-Plus Mobilfunk (Германия) компанияси абонентлари билан халқаро хабарлар алмашиш вақтинча мумкин эмас.

Халқаро чиқувчи SMS-хабарлар ва контент-провайдерлар хизматларига юборилган SMS-сўровлар улар учун ўрнатилган тарифларга мувофиқ нархланади.

Пакетлар абонент Ўзбекистон ҳудудида МТС-Ўзбекистон тармоғида бўлганда амалда бўлади.

## SMS-АГЕНТ@MAIL.RU

**«SMS-Агент@Mail.Ru»** хизмати орқали сиз мобил телефонингиз ёрдамида Интернет тармоғида мулоқотда бўлиб, қизиқарли онларга эга бўласиз. МТСнинг барча абонентлари янги **«SMS-Агент@Mail.Ru»** хизмати ёрдамида ўз мобил телефонларига «Mail.Ru Агент»дан хабарлар олишлари мумкин, шунингдек бевосита ўз мобил телефонларидан «Mail.Ru Агент»даги электрон манзилларга жавоб SMS-хабарларини юборишлари мумкин.

**«SMS-Агент@Mail.Ru»** хизмати қўшимча равишда активлаштиришни талаб қилмайди.

Агарда абонентлар телефонлари **GPRS-WAP+INTERNET+MMS** хизматларига мослашган бўлса ва ушбу хизматлар ёқилган бўлса, у ҳолда абонентлар Мобил Mail.Ru Агентдан фойдаланган ҳолда ўзаро мулоқотда бўлишлари мумкин. Бу ҳолатда барча хабарлар бепул, фақатгина GPRS-трафик учун ҳақ тўланади.

**Изоҳ:**

Агар Агентнинг турли манзилларидан бир вақтнинг ўзида бир қанча хабарлар келса, абонент телефонига ушбу манзиллар кўрсатилган хабар келади, ва улардан бирига жавоб бериш таклиф этилади. Бунинг учун «Жавоб» тугмасини босиш ва талаб этилган E-mail манзил ва хабар матнини киритиш зарур.

## МОЙ МИР@Mail.ru SMS – НОТИФИКАЦИЯСИ

Қисқа рақам: **443**

**«Мой Мир@Mail.ru SMS — нотификацияси»** хизмати “Мой Мир” жамоат тармоғида дўстларингизнинг янги фикрлари ва яқинда келган хабарлар ҳақида хабардор бўлиш, ҳамда SMS-хабарлар орқали уларга жавоб бериш имконини беради.

## ХИЗМАТНИ БОШҚАРИШ ЖАРАЁНИ

**Web-интерфейс орқали «Мой Мир@Mail.ru SMS — нотификацияси» хизматига уланиш ва уни созлаш.**
**Мақсади: Web-іинтерфейс орқали «Мой Мир@Mail.ru SMS — нотификацияси» хизматига уланиш.**
**Шарти:** Сиз "Мой Мир" жамоат тармоғи фойдаланувчиси бўлишингиз керак.
**Асосий қадамлари:**
• **http://my.mail.ru** web-сайтига киринг ва рўйхатдан ўтинг.
• Менинг созлашларим->хабарлар бўлимига киринг.
• Агар Сизда ёзувга боғланган мобил телефон рақами бўлмаса, унда «Қўшиш» тугмасини босиш, телефон рақамини киритиш керак, шундан сўнг телефонингизга SMS орқали махфий код юборилади.
• Махсус жойга махфий кодни киритинг.
• Агар махфий код тўғри киритилса, рақам ёзувга боғланади.
• Менинг мобил телефоним бандида Сиз мобил телефонни созлашингиз мумкин, ушбу телефон рақамига хабарлар юборилади.
• «SMS орқали Дунё хабарлари ҳақида хабардор этилсин» блокида Сиз воқеаларни созлашингиз мумкин.
• Сиз «Янги фикрлар ҳақида хабардор этилсин» бандида белги қўйиб, кимдан хабар олмоқчилигингизни ва дўстларингиз рўйхатини кўрсатасиз.
• Шунингдек, Сиз бир суткадаги хабарларнинг максимал сонини ва вақтини кўрсатишингиз мумкин.
• «Сақлаш» тугмасини босиб, Сиз SMS-нотификациялар олишга рози эканингизни билдирасиз.

**«Мой Мир@Mail.ru SMS — нотификацияси» олиш.**
**Мақсади: «Мой Мир@Mail.ru SMS — нотификацияси» олиш.**
**Шарти:** Сизга web-сайтга **«Мой Мир@Mail.ru SMS — нотификацияси»** хизмати ёқилган бўлиши керак. Агар жамоат тармоғидаги Сизнинг саҳифангизга бирор-бир воқеа юз берса, уланганда Сиз кўрсатган телефон рақамига хабар юборилади. Хабарда саҳифангизда қандай воқеалар юз бергани кўрсатилади ва ушбу воқеаларга жавоб бериш учун манзил келтирилади.

Бир қанча шахсий хабарлар ҳақида SMS: Сизда 2та янги шахсий хабар. Ўқиш: http://bk.ru/Az3dFsJ

Бир қанча фикрлар ёки битта фикр ва янги шахсий хабар ҳақида SMS: Сизда "Мой Мир"да 3 та янги воқеа. Кўриш: http://bk.ru/Az3dFsJ

Бир қанча жаҳон воқеалари ва почта хабарлари ҳақида SMS: Сизда «Мой Мир»да 5 та янги хат ва 17 та янги воқеа. Кўриш: http://m.mail.ru

**«Мой Мир@Mail.ru SMS — нотификацияси»** оддий SMS-хабардек сақланади ва абонент бир ҳафта давомида унда кўрсатилган манзил орқали жамоат тармоғига кириши мумкин.

**«Мой Мир@Mail.ru SMS — нотификацияси»**даги манзил жамоат тармоғининг мобил версиясига ўтказади. У орқали ўтганда SMS-нотификация кўрсатган воқеа саҳифаси очилади.

**Бошқа фойдаланувчи фикрига изоҳ билдириш.**
**Мақсади: 443 қисқа рақамига SMS юбориш орқали бошқа фойдаланувчининг фикрига изоҳ билдириш.**
**Шарти:** Сизда web-сайтда дўстларингизнинг янги фикрлари тўғрисида **«Мой Мир@Mail.ru SMS — нотификацияси»** олиш хизмати ёқилган бўлиши керак.

**Асосий қадамлари:**
• Фойдаланувчи фикри тўғрисида SMS-нотификация олиш (ушбу фойдаланувчи фикрига Сиз аввал ёзилган бўлишингиз керак).
• **443** қисқа рақамига жавоб SMS-хабари ёзиб, Сиз охирги келган фикрга изоҳ билдиришингиз мумкин Юборилган изоҳ дўстингиз саҳифасида ва «Қандай янгилик бор?» лентасида акс этади.

**Шахсий хабарларга жавоб.**
**Мақсади: 443 қисқа рақамига SMS юбориб, жамоат тармоғи саҳифасида қолдирилган шахсий хабарга жавоб ёзиш.**
**Шарти:** Сизда **«Мой Мир@Mail.ru SMS — нотификацияси»** олиш хизмати ёқилган ва созланган бўлиши керак.
**Асосий қадамлари:**
Сиз дўстингиз бўлган бошқа фойдаланувчидан **«Мой Мир@Mail.ru SMS — нотификацияси»** орқали шахсий хабар оласиз. **443** қисқа рақамига жавоб SMS-хабар юбориб, Сиз жавоб хабари матнини юборасиз, у жамоат тармоғидаги шахсий хабарларингизда акс этади. Жавоб хабари қуйидаги талабга мувофиқ келиши керак: SMS-нотификацияда кўрсатилган рақамлардан бошланиши ва жавоб хабари рақамларидан ва матнидан иборат бўлиши керак.
**Мисол:** «23 Албатта эртага мазза қилиб хурсандчилик қиламиз!»
Алоҳида фойдаланувчиларнинг фикрлари ва шахсий хабарлари ҳақида **«Мой Мир@Mail.ru SMS — нотификацияси»**ни ўчириш.

**Мақсади: алоҳида фойдаланувчиларнинг фикрлари ва шахсий хабарлари ҳақида SMS-нотификациялари олиш имкониятини ўчириш.**
**Шарти:** Сизда **«Мой Мир@Mail.ru SMS — нотификацияси»** олиш хизмати ва бошқа фойдаланувчиларнинг фикрларини ва шахсий хабарларини олиш ёқилган бўлиши керак.
**Асосий қадамлари:**
• **http://my.mail.ru** web-сайтига киринг ва рўйхатдан ўтинг.
• Менинг созлашларим->хабарлар бўлимига киринг.
• Фикрлар ёки шахсий хабарлар тўғрисида SMS-нотификациялар олишни ўчиринг.

**«Мой Мир@Mail.ru SMS — нотификацияси» хизматини ўчиринг.**
**Мақсади: SMS-нотификациялар олишни ўчириш.**
**Шарти:** Сизда SMS-нотификациялар олиш хизмати ёқилган бўлиши керак.
**Асосий қадамлари:**
• **http://my.mail.ru** web-сайтига киринг ва рўйхатдан ўтинг.
• Менинг созлашларим->хабарлар бўлимига киринг.
• SMS орқали дунё хабарлари ҳақида хабардор этилсин бандидаги белгини бекор қилинг.
• «Сақлаш» тугмаси орқали созлашларни сақланг.

**Телефондан келадиган барча SMS-нотификацияларни ўчириш.**
**Мақсади: барча уланган нотификацияларни ўчириш.**
**Шарти:** Сизда SMS-нотификациялар олиш хизмати уланган бўлиши керак.
**Асосий қадамлари:**
Сервисдан келган SMS-хабарга жавобан регистрни ҳисобга олмай, 443 рақамига «stop» ёки «STOP» юборишингиз мумкин. Бунда барча SMS-хабарлар ўчирилади.
Хизмат «Inform-Mobil Tashkent» КП билан ҳамкорликда тақдим этилади.

## SMS-EXTRA

**«SMS-EXTRA»** сервислари SMS юборишни қулай ва антиқа мулоқотга айлантиради.
Қуйидаги хизматлар **«SMS-EXTRA»** пакетига киради:
**SMS-ЛАҲЗА** – бир лаҳзада экранда пайдо бўладиган SMS-хабарларни юбориш.

**SMS-ТАҚВИМ** – абонент қабул қилувчига кўрсатилган кунда ва аниқ бир вақтда етказиладиган SMS-хабарларни аввалдан юбориши мумкин, бу эса табриклар ва эслатмалар юбориш учун жуда қулайдир.

**SMS-МАХФИЙ** – парол билан ҳимояланган SMS-хабарлар юбориш. Бундай хабарни қабул қилувчи ўз паролини киритибгина ўқиши мумкин.

**SMS-ИМЗО** – абонент томонидан кўрсатилган ном ёки тахаллус билан имзоланган хабарларни юбориш.

**SMS-ҚОРА РЎЙХАТ** – аниқ бир рақамга (рақамлар диапазонига) ёки аниқ бир матнли (сўзли) хабарлар юборишни тақиқлаш.

**SMS-ОҚ РЎЙХАТ** – фақат рухсат этилган рақамларга (рақамлар диапазонига) хабарлар юбориш.

| **«SMS-EXTRA»**ни ёқиш* | **«SMS-EXTRA»**ни ўчириш |
|---|---|
| ***146*1#** | ***146*0#** |

*«SMS-EXTRA» пакетига кирувчи барча хизматлар ёқилади.

### USSD-меню

**«SMS-EXTRA»** сервислари учун қулай USSD-меню амал қилади, уни USSD-команда юбориб олиш мумкин: ***147#**. Унинг ёрдамида сиз хизматлар мақомини созлашингиз ёки ўзгартиришингиз мумкин.

**«SMS-EXTRA»** хизматларидан фойдаланиш

**«SMS-ЛАҲЗА»*** – хабар қабул қилувчи экранида бир лаҳзада пайдо бўлиши учун қуйидаги форматда хабар юбориш кифоя: ***<бўш жой>хабар матни**.
Масалан: *** Ишлар қалай?**

**Диққат:** бир лаҳзали SMS-хабарларни тўғри етказиш ва қабул қилиш учун унинг ҳажми **160** та лотин алифбоси белгиларидан ёки **70** та кирилл алифбоси белгиларидан ошмаслиги керак.

**«SMS-ТАҚВИМ»*** ушбу хизмат сизга дўстингизни туғилган кунига табрик хабарни ёзиб, аввалдан унга юбориш имконини беради, дўстингизга эса бу хабар айнан туғилган кунида юборилади. Бундай SMS-хабарни юборишда хабар бошида қуйидагича ёзиш лозим: **D<бўш жой>сана<бўш жой>вақт<бўш жой>хабар матни.** Масалан, дўстингиз 5 ноябрь куни туғилган кунини нишонлайди, ва сиз дўстингиз роппа-роса тонгги 8 да SMS-хабарингизни олишини хоҳлайсиз.
SMS-хабарнинг мисол сифатида келтирилган матни: **D 5.11.2008 8:00 Туғилган кунинг билан табриклайман!** Дўстингиз рақамига юборинг, тизим эса хабарни кўрсатилган кунда ва кўрсатилган вақтда етказади.
Бундан ташқари, сиз қабул қилувчига бир неча дақиқадан сўнг етказиладиган (1 дан 9999 гача) SMS-хабарни юборишингиз мумкин. Бунинг учун хабар матнида шунчаки қуйидагиларни кўрсатиш лозим: **M<бўш жой>N<бўш жой> хабар матни**, бу ерда **N** – дақиқалар сони.

Масалан: **M 15 биз келаяпмиз.**
Ва абонент сиз уни юборганингиздан сўнг 15 дақиқа ўтиб ушбу хабарни олади.

**Диққат!**
Сана ва вақтни кўрсатаётганингизда эътиборли бўлишингизни илтимос қила-

миз! Агар сана нотўғри киритилса, хабар уни олувчига қандай терилган бўлса шундайлигича кечикмай келади.

**«SMS-МАХФИЙ»** – парол билан ҳимояланган SMS-хабарларни юборишда ва олишда МТСнинг иккала абонентида, ҳам юборувчида, ҳам қабул қилувчида ушбу сервис ёқилган ва созланган бўлиши керак. Созлаш деганда парол ўрнатиш тушунилади.

Паролни ўрнатиш – матнли SMS: **P(лотин ҳарфи)<бўш жой> парол терилган матн 147 рақамига**, унда рақамлар ва лотин ҳарфлари парол бўлиши мумкин.
Масалан: **P 11111.**

Махфий хабарни юбориш учун хабар бошида парол билан # (панжара) белгисини қўйиш керак.

Масалан: # Кафеда учрашамиз. Қабул қилувчи **147** хизмат рақамидан абонент махфий хабар келганлиги ҳақида маълумот олади. Уни олиш учун абонент **147** рақамига қуйидаги матнли жавоб SMS-хабарини юбориши лозим:
**GET<бўш жой>ўз паролингиз.**
Масалан: **GET 22222**

Шундан сўнг олувчи етказилган хабарни ўқиши мумкин. Бу хизматни фақат тармоқ ичида юбориш мумкин. **«SMS-ИМЗО»*** - сиз кўрсатган ном ёки тахаллус билан SMS-хабарлар юбориш, бу хизмат созланганидан сўнг ишлайди. Бунинг учун **147** рақамига қуйидаги SMS-хабарни юбориш кифоя: **NICK<бўш жой>имзо(лотин ҳарфларида)<бўш жой>+**

Масалан: **NICK UMNIK +**

Хабарни юбориш қуйидагича бўлади: **+<бўш жой> хабар матни.** Қабул қилувчи UMNIK имзосига эга SMS-хабарни олади.

Агар имзони ўрнатишда ёки эски имзони янгисига алмаштиришда + белгиси кўрсатилмаса, у ҳолда барча чиқувчи хабарлар сизнинг имзоингиз билан юборилади.

Доимий имзони ўрнатиш: мисол учун **147** рақамига қуйидагича матн юборилади NICK UMNIK
Бу ҳолатда ҳар бир SMS-хабарда + белгисини қўйиш талаб этилмайди.

***«SMS-ЛАҲЗА», «SMS-ИМЗО»** ва **«SMS-ТАҚВИМ»** сервисларидан фойдаланилган хабарларни Ўзбекистоннинг барча мобил операторлари абонентларига юбориш мумкин.

Бир хабарда бир вақтда бир қанча имкониятлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, ўзининг имзоси қўйилган бир лаҳзали хабарни ёки парол билан ҳимояланган хабарни юбориш мумкин, уни қабул қилувчи аниқ бир белгиланган вақтда олади.

**«SMS-ҚОРА РЎЙХАТ»** – аниқ бир рақамга (рақамлар диапазонига) ёки аниқ бир матнли (сўзли) хабарлар юборишни тақиқлаш.

**Бошқариш учун командалар:**

| Ҳаракатлар | 147 рақами учун SMS-команда | Мисол |
|---|---|---|
| Хизматларни активлаштириш | BL<бўш жой>ON<бўш жой>ушбу хизмат учун сизнинг паролингиз | BL ON 12345 |
| Рақамларни «қора рўйхат»га киритиш | BL<бўш жой>ADD<бўш жой>паролингиз <бўш жой>рақам ёки рақамлар диапазони | BL ADD 12345 +998971030909 |
| Сўзларни «қора рўйхат»га киритиш | BL<бўш жой>ADD<бўш жой>паролингиз <бўш жой>сўз | BL ADD 12345 сўз |

| | | |
|---|---|---|
| Рақамларни «қора рўйхат»дан олиб ташлаш | BL<бўш жой>DEL<бўш жой>паролингиз <бўш жой>рақам ёки рақамлар диапазони | BL DEL 12345 рақам |
| Рақамларни «қора рўйхат»дан кўриш | BL<бўш жой>NUM<бўш жой>паролингиз | BL NUM 12345 |
| «Қора рўйхат»ни ўчириш | BL<бўш жой>OFF<бўш жой>паролингиз | BL OFF 12345 |

**«SMS-ОҚ РЎЙХАТ»** – фақат рухсат этилган рақамларга (рақамлар диапазонига) хабарлар юбориш.

| Ҳаракатлар | 147 рақами учун SMS-команда | Мисол |
|---|---|---|
| Хизматларни актив-лаштириш | WL<бўш жой>ON<бўш жой>ушбу хизмат учун сизнинг паролингиз | WL ON 12345 |
| Рақамларни «оқ рўйхат»га киритиш | WL<бўш жой>ADD<бўш жой>паролингиз <бўш жой>рақам ёки рақамлар диапазони | WL ADD 12345 +998 |
| Рақамларни «оқ рўйхат»дан кўриш | WL<бўш жой>NUM<бўш жой>паролингиз | WL NUM 12345 |
| «Оқ рўйхат»ни ўчириш | WL<бўш жой>OFF<бўш жой>паролингиз | WL OFF 12345 |

## E-MAILГА SMS

Хизмат компания абонентларига ўз дўстлари ва яқинларининг электрон почтасига SMS-хабарларни тез ва қулай юбориш имконини беради. Бунинг учун абонентлар 500 қисқа сервис рақамига («Кимга» майдонида) SMS-хабар юборишлари, хабар матнида эса дастлаб қабул қилувчининг e-mail манзилини XXXXX@XXXX.XX форматида кўрсатишлари, сўнгра бўш жой қолдириб, хабар матнини теришлари керак. Ўз e-mail манзилига SMS-хабар қабул қилган абонент қуйидаги матнга кўзи тушади: «+998XXXXXXXXX»дан хабар келди, бу ерда XXXXXXXXX – хабар юборувчи рақамидир.

**«E-mailга SMS»** хизматини активлаштириш шарт эмас ва ундан МТСнинг Ўзбекистондаги барча абонентлари фойдаланишлари мумкин.

## ERROR SMS

Ушбу сервис мавжуд бўлмаган қисқа ва абонент рақамларига SMS хабарлар нотўғри юборилгани ҳақида Сизни хабардор қилади.
Мавжуд бўлмаган рақамга, қисқа контент ёки абонент рақамига SMS-хабар юборсангиз, қуйидагича жавоб келади:
Мавжуд бўлмаган қисқа контент рақамига юборилганда + (плюс) белгисиз. — MTS-O'zbekiston abonentlari uchun raqamlarga {raqamga} xizmat ko'rsatilmaydi.
Мавжуд бўлмаган абонент рақамига юборилганда + (плюс) белгиси билан. — Raqam {telefon raqami} mavjud emas.
Олинган хабарда юборувчи майдонида **«Error SMS»** келтирилади.

**Бу муҳим!**
Бирор-бир хизмат олиш учун қисқа рақамга хабар юборишдан олдин МТС-Ўзбекистон абонентлари учун ушбу хизмат кўрсатилишига ишонч ҳосил қилинг. «Инфоконтент» бепул сервиси ёрдамида ёки 0890 рақамига қўнғироқ қилиб, Алоқа марказида қисқа SMS-хабарлари учун кўрсатиладиган хизматлар ҳақида билиб олишингиз мумкин.

## GPRS

**GPRS** (General Packet Radio Service) – МТС тармоғи хизмат доирасида тезкор Интернетдан фойдаланиш имконини берадиган маълумотларни пакетли узатиш технологиясидир.

**GPRS**нинг афзаллиги шундаки, у **GPRS**-телефон орқали Интернетга (9,6 Кбит/с) оддий тармоқларда маълумотларни овозли каналлар бўйича узатиш тезлигига нисбатан 4 баравар тезроқ доимий уланишни таъминлайди.

**GPRS** дан фойдаланишда уланиш вақти учун эмас, балки узатилган ва олинган маълумот ҳажми учун ҳақ тўланади. Тармоқда ишлаш учун нафақат мобил **GPRS**-телефон, балки компьютер (масалан, ноутбук) ёки электрон органайзердан (PalmOne, iPAQ, ва ҳ.к.) фойдаланиш мумкин. Бу борада HTML-саҳифаларни кўздан кечиришингиз, файлларни ёзиб олишингиз, электрон почта ва Интернетнинг бошқа ҳар қандай ресурслари билан ишлашингиз, корпоратив тармоққа киришингиз мумкин.

**GPRS**дан фойдаланувчилар Интернетдан тўлиқ ҳажмда фойдаланиши мумкин. Интернетдан фойдаланишдан ташқари, бевосита телефон аппаратида WAP-сайтлар билан ишлаши мумкин. **GPRS**-сессия пайтида Интернетдан чиқиб кетмасдан туриб қўнғироқ қилишингиз ва қўнғироқларни қабул қилишингиз мумкин.

Абонент МТС тармоғида **GPRS**дан фойдаланиши учун ушбу хизматга ўзи рўйхатга олинган офисга шахсан мурожаат қилиши орқали ёки мобил телефонга **«МОБИЛ ЁРДАМЧИ»** ва **«Интернет ёрдамчи»** хизматларига уланган бўлса, ушбу хизматлар орқали уланиши ҳамда **«GPRS»**га мослашган телефонни ёки компьютерни созлаб олиши керак.

## ИНТЕРНЕТ-ПАКЕТЛАР

Бу мобил Интернетдан актив фойдаланувчилар учун самарали таклифдир. WAP ёки Интернет пакетларидан бирини танлаб, сиз қулай нархда трафикнинг имтиёзли ҳажмига эга бўласиз.

### ПАКЕТНИ УЛАШ:

**GRPS WAP пакетлар**

| GRPS WAP | Трафик | USSD командалар ёрдамида активлаштириш |
|---|---|---|
| WAP 2 | 2 Mb | ***111*018*1#✆** |
| WAP 4 | 4 Mb | ***111*018*2#✆** |

**GRPS Интернет пакетлар**

| GRPS Интернет | Трафик | USSD командалар ёрдамида активлаштириш |
|---|---|---|
| INTERNET 25 | 25 Mb | ***111*019*1#✆** |
| INTERNET 60 | 60 Mb | ***111*019*2#✆** |
| INTERNET 125 | 125 Mb | ***111*019*3#✆** |
| INTERNET 500 | 500 Mb | ***111*019*4#✆** |
| INTERNET 1000 | 1000 Mb | ***111*019*5#✆** |
| INTERNET 2000 | 2000 Mb | ***111*019*6#✆** |
| INTERNET 5000 | 5000 Mb | ***111*019*7#✆** |

Активлаштирилган **«GPRS-WAP пакет»**да қолган имтиёзли трафик ҳажмини билиш учун ***111*018#** USSD-командани, **«GPRS-Internet пакет»**да қолган имтиёзли трафик ҳажмини билиш учун эса ***111*019#** USSD-командани юбориш керак.

**Изоҳлар:**
- Пакет/пакетлар уланганда автоматик тарзда **GPRS-WAP+INTERNET+MMS** хизмати активлаштирилади, мазкур хизмат учун абонент тўлови ёзилади.
- Трафикнинг тегишли ҳажмидан абонент ушбу даврда вақтинчалик блокировкада бўлишидан қатъи назар пакет активлаштирилган кундан бошлаб 30 кун давомида фойдаланиш мумкин. Шартнома бекор қилинганда/қайта расмийлаштирилганда бекор қилинган/қайта расмийлаштирилган сана пакетнинг амалда бўлиш муддати этиб белгиланади.
- Пакет активлаштирилганидан кейин абонент ҳисобида маблағ бўлсагина **GPRS-пакетлар**ни улаш мумкин.
- Абонент бир вақтнинг ўзида 2 та актив **GPRS-WAP** пакет ва 2 та актив **GPRS-INTERNET пакет**га эга бўлиши мумкин.
- Бир қанча пакет активлаштирилганда, ҳар бир пакетнинг амалда бўлиш муддати ҳар бир пакет учун алоҳида белгиланади.
- Трафик тамом бўлганидан кейин ёки пакет муддати тугаганидан кейин **GPRS WAP, GPRS-Internet, Юқори тезликда 3G Интернет** хизматлари ўрнатилган тарифларга мувофиқ нархланади.
- Юридик шахс ҳисобланган абонентлар ёзма ариза бериб **«GPRS-пакетлар»** хизматига буюртма беради ёки **«Интернет ёрдамчи»** ва **«Корпоратив Интернет ёрдамчи»** орқали хизматни активлаштиради.
- **GPRS-WAP** пакетларда APN **wap.mts.uz** орқали ўтадиган трафик ҳисобга олинади.
- **GPRS-Internet пакетлар**ида APN net.mts.uz ва hsdpa.mts.uz орқали ўтадиган трафик ҳисобга олинади.
- Тариф режа алмаштирилганда ёки рақам алмаштирилганда пакетлар шартлари ўзгармайди.
- Пакетлар абонент Ўзбекистон ҳудудида «Уздунробита» ХК тармоғида бўлганда амалда бўлади

## 3G МОБИЛ АЛОҚАНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

**3G** технологияси – бу мулоқотга ва Интернет-хизматларига янгича ёндашувдир! **3G** алоқа овознинг юқори сифати ва маълумотлар узатишнинг анча юқорироқ тезлигини таъминлайди ва янги мультимедиявий сервислардан фойдаланиш имкониятини очиб беради. Энди сиз қўнғироқ вақтида абонентни кўришингиз, Интернет бўйлаб тезроқ ва қулайроқ сайр қилишингиз ва бизнес юритишингиз, мамнуният билан таҳсил олишингиз ва вақтичоғлик қилишингиз мумкин.

Энди 3G тармоғи хизмат доирасида бўлган МТСнинг ҳар бир абоненти қўшимча активлаштиришларсиз **«Юқори тезликда Интенрет»**, **«Видеоқўнғироқ»** ва **«Мобил ТВ»** янги авлод хизматларидан фойдаланишлари мумкин. МТС абонентлари **«Видеоқўнғироқ»** хизмати ёрдамида суҳбатдошларини нафақат эшитишлари, балки кўришлари ҳам мумкин. **«Юқори тезликда 3G Интернет»** хизмати ёрдамида эса web-саҳифаларни тезда очиш ва видео, MP3, фотосуратларни юқори тезликда кўчириб олиш ёки **«Мобил ТВ»** хизматидан фойдаланиш ва реал вақт режимида телевизион дастурларни томоша қилиш имкониятига эга бўладилар.

**Изоҳлар:**
- **«Видеоқўнғироқ»** ва **«Юқори тезликда 3G Интернет»** хизматларидан барча абонентлар фойдаланишлари мумкин.
- Хизматдан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Хива шаҳарларида 3G тармоғи доирасида фойдаланиш мумкин.

## ВИДЕОҚЎНҒИРОҚ

**«Видеоқўнғироқ»** хизмати туфайли сиз нафақат суҳбатдошингизни эшитишингиз, балки уни суҳбат давомида кўришингиз ҳам мумкин!

**Видеоқўнғироқ** – бу замонавий, қизиқарли ва қулай.

- Узоқ вақт кўрмаган яқин инсонларингизни хайрон қолдиринг ва хурсанд қилинг
- Аъло кайфият ва қувончли воқеаларни бирга баҳам кўринг
- Мижозларга, ҳамкорларга ва ҳамкасбларга иш жараёнларини кўрсатинг
- Янгича танишинг ва учрашинг

Видеоалоқа учун телефонни созлашингизга ҳожат йўқ. Асосий талаб шуки, сизда ва суҳбатдошингизда видеоқўнғироқ функциясига мослашган телефон бўлиши керак, ва икковингиз ҳам **3G** тармоғи доирасида бўлишингиз зарур.

## ЮҚОРИ ТЕЗЛИКДА 3G ИНТЕРНЕТ

Учинчи авлод мобил алоқаси юқори тезликда маълумотлар узатишнинг кенг имкониятларини тақдим этади.

Энди **3G** тармоғида ишлаётганда, сиз ўз телефонингиздан ёки мобил модемдан 3,6Мбит/секундгача тезликда Интернетга уланиш учун фойдаланишингиз мумкин, авваллари симли уланишдагина бунга эришиш мумкин эди.

**3G** юқори тезлик тармоғида Интернет-ресурсларга, корпоратив тармоқларга, видео ва почта иловаларига ҳамда кўпгина бошқа хизматларга янада тезроқ, осонроқ ва қулайроқ уланиш имконияти яратилди. Нархланиш кванти 64 Кбит.

## МОБИЛ ТВ

**«Мобил ТВ»** хизмати реал вақт режимида телевизион каналларни томоша қилиш имконини беради. Энди мобил телефон экранида сиз сўнгги янгиликларни, севимли фильмларни ёки севимли жамоангизнинг ҳал қилувчи голини томоша қилишингиз мумкин.

3G тармоғидаги **«Мобил ТВ»** хизмати туфайли бундай имкониятга эгасиз.

**СОЗЛАШ:**

Хизматдан фойдаланиш учун:

1. **GPRS-WAP+INTERNET+MMS** хизматини ўрнатинг (***111*0011#** рақамига қўнғироқ қилинг).
2. Телефон созлашларида **wap.mts.uz** фойдаланиш бандини ўрнатинг:

   **Номи:** WAP-MTS
   **Фойдаланиш номи нуқтаси (APN):** wap.mts.uz
   **Логин:** бўш қолдириш керак
   **Парол:** бўш қолдириш керак
   **Маълумотлар канали:** Пакет маълумотлари
   **Аутентификация:** оддий
   **Тармоқ типи:** IPv4
   **Телефоннинг IP-манзили:** автоматик
   **DNS манзили:** автоматик
   **Прокси-сервер манзили:** 10.10.0.10
   **Прокси порти рақами:** 8080.
3. Телефоннинг созлашларида **«Потокли видео»** бандини топинг ва унда WAP-MTS фойдаланиш нуқтасини кўрсатинг (Nokia’нинг баъзи моделларида бу параметр стандарт видео-проигрыватель созлашларида бўлади).

4. Телефоннинг WAP-браузерига киринг, манзиллар қаторида tv.mts.uz сайт номини теринг
5. Порталда **«Мобил ТВ»** бандини танланг ва керакли телевизион каналниі кўрсатинг. Шундан сўнг видео-проигрыватель ишга тушади, у танланган телеканални кўрсатишни бошлайди.

Телеканални томоша қилишни тўхтатиш учун «Стоп» тугмасини босиш ва проигрывателдан чиқиш керак.

**Изоҳлар:**
- Хизматдан фойдаланиш учун GPRS-WAP+INTERNET+MMS хизмати ёқилган, телефон аппарати эса Video Streaming функциясига ва 3G мобил алоқа стандартига мослашган бўлиши керак.
- Мобил ТВ 3G тармоғи доирасида (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч ш.) бўлганда амал қилади.

## 4G ЭНДИ ЎЗБЕКИСТОНДА!

**LTE (Long Term Evolution)** – бу маълумотларни мобил узатиш технологияларини такомиллаштиришнинг янги босқичидир. У ўз олдига қуйидаги мақсадларни қўяди:
- тезликни ошириш
- арзонроқ нархда кўпроқ хизмат турларини кўрсатиш
- мавжуд тизимлардан фойдаланиш қулайлигини ошириш

Бугуннинг ўзида МТС абонентлари LTE-4G стандартига мос инновацион тармоқ туфайли ўзлари учун янги имконият турларини очишлари мумкин.

**4G** тармоғида:
- маълумотларни секундига 100 Мб.гача узатиш
- сўровларга бир зумда жавоб олиш
- сервисни тезликда активлаштириш мумкин

**Сиз:**
- сўралаётган маълумотга бир зумда эга бўлишингиз
- катта видеофайлларни саноқли сонияларда кўчиришингиз
- ТВ ва фильмларни юқори сифатда кўришингиз мумкин

**Изоҳ: 4G** хизматидан ушбу технологияга мослашган телефон ва модем бўлганда 4G тармоғи хизмат доирасида фойдаланиш мумкин.

## «ТУНГИ ИНТЕРНЕТ» ХИЗМАТИ

**«Тунги Интернет»** хизматига уланган компаниянинг барча абонентлари ҳар куни 01:00 дан 08:00 гача мобил Интернетдан арзон нархда фойдаланишлари мумкин.

**«Тунги Интернет»** хизматига уланиш:
- ***111*0241#** USSD-командаси ёрдамида;
- **«Мобил портал *111#»** ёрдамида;
- **«Интернет ёрдамчи»/«Корпоратив Интернет ёрдамчи»** орқали;
- **616024** рақамига **«1»**ни SMS орқали юбориб;
- Компания офисларида ёзма ариза бўйича.

**«Тунги Интернет»** хизматини ўчириш:
- ***111*0240#** USSD-командаси ёрдамида;
- **«Мобил портал *111#»** ёрдамида;
- **«Интернет ёрдамчи»/«Корпоратив Интернет ёрдамчи»** орқали;
- **616024** рақамига **«0»**ни SMS орқали юбориб;
- Компания офисларида ёзма ариза бўйича.

*Тарифлар абонентлар «Уздунробита» ХК тармоғида бўлганда амалда бўлади.

## EDGE

Интернетдан тезлик билан фойдаланиш!

**EDGE** – (инглизча **Enhanced Data rates for GSM Evolution**) каналнинг катта ўтказувчанлик имкониятига эга бўлиб, маълумотларни тезлик (384 Кбит/с) билан узатишни таъминлайдиган **GPRS** технологиясининг мантиқий давоми ҳисобланади. Яна таъкидлаш керакки, **EDGE** технологияси мобил алоқа тараққиётида учинчи авлод тармоқларига тобора яқинлашаётган яна бир муҳим қадамдир.

**EDGE** технологияларини жорий этиш МТС компаниясига ўз абонентлари-га Интернетдан тезлик билан фойдаланиш, катта ҳажмли маълумотлар-ни тез ишга солиш, шу жумладан, реал вақт режимида аудио ва видео-клипларни тез очиш каби янги ҳамда кенг кўламли мобил илова ва хизматларни тақдим этиш имконини беради.

**EDGE** технологияси қўшимча созлашларни талаб қилмайди: **EDGE** хизмат доира-сида ҳудудида ушбу функцияга мослаштирилган мобил телефон уни автоматик тарзда танлайди.

**Изоҳ:**
**EDGE** технологиясидан **GPRS** хизматига уланган барча абонентлар фойдаланиши мумкин.
Мазкур хизматдан фойдаланиш тарификацияси **GPRS** хизмати сингари.
Тармоқнинг амал қилиш ҳудуди доимий равишда кенгайтирилмоқда.

## MMS-SERVICE

### 1. MMS нима?

**Multimedia Message Service** – мультимедия хабарлар хизмати бўлиб, абонентга рангли расмлар ва фотосуратларни узатиш, севимли мусиқа билан бирга график тасвирли ёки овозли хабарларни яратиш имконини беради. Дам олиш пайтида денгиз, тоғлар ва қалин ўрмонларда олинган ҳамда дўстларга жўнатилган фото-суратлар сизга мамнуният бахш этади, дўстларингизнинг эса таътилни мароқли ўтказаётганингизга ҳаваси келади, албатта.

> **Диққат!** Ушбу хизматдан телефонларида **GPRS** ва **MMS** хизматлари ўрнатилган абонентларгина фойдаланишлари мумкин, агар **GPRS** ўрнатилмаган бўлса, **MMS** хизмати ишламайди.

**MMS**-хабарларни танлаш, жўнатиш ёки кўриб чиқишда мобил телефондан фойдаланиш кўрсатмаларига риоя қилинг. Хабар жўнатилаётган абонентнинг рақамини териш тартиби **SMS**-хабарни жўнатишда рақамни териш тартибига ўхшайди (ушбу қўлланманинг **SMS**га оид кўрсатмасига қаранг).

### 2. MMSни созлаш

**MMS**-хабар хизматидан фойдаланиш учун **GPRS-WAP+INTERNET+MMS** хизматлари-га уланиш лозим. Шундан сўнг телефонни созлаш зарур. Бунинг учун қуйидаги тартибда **«Алоқани созлаш»** менюсига киринг: (қуйида келтирилган созлаш тар-тиби Nokia 3100 телефони учун мўлжалланган):

Телефонингиздаги → **«Хабарлар»** («Messages») → **«Хабарларни созлаш»** («Mes-sage settings») → **«MMS-хабарлар»** («Multimedia messages») → **«Алоқани созлаш»** («Connection settings») → **«Амалдаги MMS-созлашни ўзгартириш»** («Edit active multimedia settings») менюсига киринг.

Шундан сўнг қуйидагиларни ўрнатиш лозим:

| Русча меню учун | |
|---|---|
| Меню қаторлари (Строки меню) | Кўрсатмалар |
| Созлаш номлари (Название настроек) | Исталган номни беринг* |
| Шахсий сайт (Свой сайт) | http://10.10.0.10/ was ёки http://mmsc/was** |
| Сеанс тури (Тип сеанса) | Вақтинча*** |
| Маълумотлар канали (Канал данных) | GPRS |
| **Канални созлаш** | |
| GPRS алоқанинг кириш нуқтаси (Точка входа GPRS связи) | mms.mts.uz |
| IP-протокол манзили (Адрес IP-протокола) | 10.10.0.10 |
| Таниш тури (Тип опознания) | Оддий |
| Фойдаланувчининг номи (Имя пользователя) | Бўш қолдириш |
| Пароль | Бўш қолдириш |

*     SonyEricsson телефонлари учун ном лотин ҳарфларида ёзилиши шарт.
**    Иккита манзилдан фақат биттасини кўрсатиш керак.
***   Nokia DCT4 телефонлари учун (3510, 3510i/3530) 6100, 6310, 6310i, 6360, 6510, 6590, 6610, 6650, 7210, 7250, 8310, 8390, 8910 уланиш тури **«доимий», «permanent»**.

Агар телефонингиз менюсини созлашда IP-портни кўрсатиш лозим бўлса, WAP версиясидан келиб чиққан ҳолда 9201 (WAP 1.x учун) ёки 8080 (WAP 2.0 учун) кўрсатиш лозим.

## 3. MMS-ХАБАРЛАРНИ ЖЎНАТИШ, ОЛИШ ВА КЎРИШ/ЭШИТИШ

**MMS**-хабарларни жўнатиш, олиш ва кўриш/эшитиш телефон менюси орқали амалга оширилади. Батафсил маълумотга эга бўлиш учун мобил телефонингизга илова қилинган фойдаланиш йўриқномасидан фойдаланинг.

Меню: Хабарлар:

- Матнли хабарлар – SMS-хабарлар билан ишлаш
- MMS-хабарлар – MMS-хабарлар билан ишлаш

«MMS-хабарлар» менюсини танланг ва қуйидаги менюга қараб иш тутинг:

## MMS-ПАКЕТЛАР

**«MMS-пакетлар»** хизмати маълум миқдордаги MMS хабарларни арзон нархларда жўнатиш имконини беради.
**«MMS-пакетлар»**га уланиб, абонент қулай нархда фотосуратлар, севимли мусиқа ва видеофайлларга эга MMS хабарларни юбориш имкониятига эга бўлади.
**«MMS-пакет»** хизматини ёқиш:
Хизматни ёқиш учун ***111#** USSD командадан фойдаланиш кифоя

| MMS-пакет | Пакетдаги чиқувчи MMSлар сони | Пакетни активлаштириш учун USSD-команда |
|---|---|---|
| **«MMS 300»** | 300 | ***111*020*1#** |
| **«MMS 600»** | 600 | ***111*020*2#** |

Активлаштирилган **«MMS-пакетда»** қолган MMS-хабарлар сонини билиш учун ***111*020#** USSD-командани юбориш керак.

**Изоҳлар:**

- Юридик шахс ҳисобланган абонентлар **«MMS-пакетлар»** хизматини ёзма талабнома бўйича ёки «Интернет-ёрдамчи» ва «Корпоратив Интернет-ёрдамчи» орқали ёқишлари мумкин.

- **«MMS-пакет»**ни активлаштирилгандан кейин абонент ҳисобида камида **$1** қолсагина улаб олиш мумкин.
- **«MMS-пакетлар»**да фақат МТС-Ўзбекистон абонентларига чиқувчи хабарлар ҳисобга олинади (Ўзбекистонниг бошқа мобил операторлари абонентларига чиқувчи MMS-хабарлар, халқаро ва кирувчи MMS-хабарлар бунга кирмайди)
- Пакетлар фақатгина абонент “Уздунробита» ХК тармоғида бўлгандагина амал қилади.

## ХАЛҚАРО MMS

МТС мобил алоқа тармоғи абонентлари хорижий компаниялар абонентлари билан MMS-хабарлар алмашиши мумкин (бу фотосурат, куй-қўшиқ ёки қисқа видеоролик бўлиши мумкин).

Айни пайтда МТС (Россия), МТС (Беларусь), МТС (Украина), Vivacell (Арманистон) ва АҚШ, Канада уяли алоқа операторлари абонентлари билан халқаро MMS-хабарлар алмашиш мумкин.

## WAP ХИЗМАТИ

### 1. WAP НИМА?

**WAP (Wireless Application Protocol)** – бевосита мобил телефонларда Интернет ресурсларидан симсиз фойдаланиш имкониятидир. Интернет тармоғида мобил телефонлар орқали фойдаланса бўладиган махсус **WAP**-сайтлар, маълумотлар бор.

Телефонингизда **WAP** хизмати ишлаши учун:

1. Телефонингизга **WAP**-браузер ўрнатилган бўлиши;

2. **WAP**-браузернинг GSM-канали орқали ишлаши учун мобил рақамингизда маълумотларни узатиш хизмати активлаштирилган бўлиши лозим. МТС абонентларига ушбу хизмат бепул ўрнатилади.

**WAP** браузернинг **GPRS** орқали ишлаши учун эса мазкур хизматни МТС офисларида ёки «Мобил ёрдамчи», «Интернет ёрдамчи» хизматлари орқали ёқтириш зарур.

### 2. WAP-БРАУЗЕРНИ СОЗЛАШ

Юқоридаги параметр мавжудлигига ишонч ҳосил қилганингиздан сўнг телефонингизни **WAP** режимида ишлаш учун созлаш зарур. Одатда битта жойда ишлаб чиқарилган телефонларни созлаш тартиби бир хил бўлади. Шу боис қуйида энг машҳур ишлаб чиқарувчи корхоналар телефонларини созлаш тартиби келтирилган. **WAP** режимида 2 та алоқа канали **GSM**-канал ва **GPRS** мавжуд бўлиб, қуйида иккита канални ҳам созлаш намунаси кўрсатилган. Уларни алоҳида гуруҳларда сақлаш мақсадга мувофиқдир. Буни қандай амалга ошириш эса қуйида келтирилган.

| **GSM канални созлаш** | |
|---|---|
| Меню қаторлари (Строка меню) | Созлашлар (Настройки) |
| Созлаш номлари (Название настроек) | Исталган номни беринг* |
| Шахсий сайт (Свой сайт) | http://wap.mts.uz |
| Сеанс тури (Тип сеанса) | «Вақтинча» («Временный») |
| Алоқа ҳимояси (Защита связи) | «Ўчирилсин» («Отключить») |
| Маълумотлар канали (Канал данных) | «GSM-канал» |
| Коммутация рақами (Номер комуникации) | 777 |

| | |
|---|---|
| IP-протокол манзили (Адрес IP-протокола) | 172.16.15.150 |
| Таниш тури (Тип опознания) | «Оддий» («Обычный») |
| Узатиш тури (Тип передачи) | «Ўхшаш» («Аналоговая») |
| Узатиш тезлиги (Скорость передачи) | 9600 |
| Рўйхатга олиш тури (Тип регистрации) | «Автоматик» («Автоматически») |
| Фойдаланувчи номи (Имя пользователя) | wap (кичик ҳарфлар билан) |
| Пароль | wap (кичик ҳарфлар билан) |
| **GPRS созлашлари** | |
| Меню қаторлари (Строка меню) | Созлашлар («Настройки») |
| Созлашлар номлари (Название настроек) | Исталган номни беринг * |
| Шахсий сайт (Свой сайт) | http://wap.mts.uz |
| Сеанс тури (Тип сеанса) | «Вақтинча» («Временный») |
| Алоқа ҳимояси (Защита связи) | «Ўчирилсин» («Отключить») |
| Маълумотлар канали (Канал данных) | «GPRS» |
| GPRS уланиш (GPRS соединение) | «Уланадиган»** («Подключаемый») |
| GPRS алоқанинг кириш нуқтаси (Точка выхода GPRS-связи) | wap.mts.uz |
| IP-протокол манзили (Адрес IP-протокола) | 10.10.0.10 |
| Таниш тури (Тип опознания) | «Оддий» («Обычный») |
| Рўйхатга олиш тури (Тип регистрации) | «Автоматик» («Автоматически») |
| Фойдаланувчи номи (Имя пользователя) | Бўш қолдирилсин |
| Пароль | Бўш қолдирилсин |

* SonyEricsson телефонлари учун номлар фақат лотин ҳарфларида берилиши лозим

** Nokia DCT4 телефонлари учун (3510, 3510i/3530) 6100, 6310, 6310i, 6360, 6510, 6590, 6610, 6650, 7210, 7250, 8310, 8390, 8910 уланиш тури **«доимий»**, **«permanent»**.

Агар телефонингиз менюсини созлашда IP-портни кўрсатиш лозим бўлса, **WAP** версиясидан келиб чиққан ҳолда 9201 (WAP 1.x учун) ёки 8080 (WAP 2.0 учун) кўрсатиш лозим.

## WAP-БРАУЗЕРНИ NOKIA ФИРМАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИДА СОЗЛАШ

Телефонда «Амалдаги созлаш ҳолатини ўзгартириш» («Edit active service settings» топиш зарур. Бунинг учун телефон менюсида→**«Хизматлар»** («Services»)→**«Созлаш»** («Settings»)→**«Алоқани созлаш»** («Connection settings») → **«Амалдаги созлаш ҳолатини ўзгартириш»** («Edit active service settings») менюсига кириш зарур. Қулай бўлиши учун ҳар битта созлаш гуруҳини алоҳида сақлаш лозим. Биринчи созлашни юқорида келтирилган схема бўйича амалга ширинг. Иккинчи созлашни сақлаш учун телефон менюсидан→**«Хизматлар»** («Services»)→**«Созлаш»** («Settings»)→**«Алоқани созлаш»** («Connection settings») орқали **«Амалдаги созлаш ҳолати»**ни («Active service settings») топиш ва созлаш гуруҳларини ўзгартириш зарур. Сўнгра менюга яна биринчи схема бўйича кириб, иккинчи пакетни ҳам созлаш лозим. Келгусида зарурат туғилганда созлаш ўзгартирилса, уланиш тури ҳам тегишли равишда ўзгаради.

## 3. МОБИЛ ТЕЛЕФОНДАН МОДЕМ СИФАТИДА ФОЙДАЛАНИШ

Бевосита телефоннинг ўзида Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятидан

ташқари ушбу тармоққа телефон орқали уланиш, яъни ундан модем сифатида фойдаланиш мумкин. Бунинг учун зарур созлашлар қуйида келтирилган. Телефон компьютерга махсус интерфейс кабеллар ёки Infrared ва Bluetooth тизимлари орқали уланади.

| Меню | | **Созлаш** |
|---|---|---|
| Телефонни созлаш | APN | net.mts.uz |
| | Login | mts |
| | Password | mts |
| Windowsда dialupни созлаш | Қўнғироқ қилиш рақами* | *99# |
| | Login | mts |
| | Password | mts |
| | Модемни инициализация қилиш қатори | AT+CGDCONT=1,«ip»,«net.mts.uz» |

* SE, Motorola, Pantech, Nokia, LG учун *99#; Alcatel, Siemens, Panasonic учун *99***1#; Samsung учун *99***1*1#.

## СОЗЛАБ ОЛ

**«Созлаб ол»** бепул хизмати абонентга қўшимча хизматлар - **GPRS-WAP, MMS, GPRS**дан фойдаланиш учун зарур бўлган параметрларни ўз мобил телефонларида осон ва тез созлаб олиш имконини беради.

**«Созлаб ол»** хизматидан фойдаланиш учун телефонга **GPRS-WAP+INTERNET+MMS** хизматини улаш тавсия этилади, бу эса созлаш муваффақиятли амалга оширилганини текшириш имкониятини беради.

Созлашларга қандай эга бўлиш мумкин?

1. Созлашларга эга бўлиш учун **0876** рақамига қўнғироқ қилиш лозим.
2. Бир неча дақиқа ичида телефонингизга **«WAP ва MMS созлашлари жўнатилди, кутинг»** деган маълумот келади.
3. Шундан сўнг навбат билан созлашларни ўз ичига олган маълумотлар келади ва ҳар бир маълумотга жавоб тариқасида **«Сақлаш»** ва **«Тайёр»** бандларини танлаш керак.
4. Кейин **«Агарда телефонингизга созлашлар келмаган бўлса, телефонингиз русуми ушбу созлашларга мослаштирилмаган»** деган ахборот келади.

Агар телефонингиз ушбу хизматларга мослаштирилган бўлса, созлашларни қабул қилиб сақлагач, телефонни ўчириш ва созлашларни активлаштириш учун яна ёқиш лозим. Энди **GPRS-WAP+INTERNET+MMS** хизматлари телефонингизда созланди.

**Изоҳ:** Агар SIM–карта бошқа телефонга ўрнатилса, созлашларни қайд этилган усуллар ёрдамида қайта созлаш керак.

**GPRS-WAP+INTERNET+MMS** хизматини улаш учун:

- ***111*0011#** USSD-команда рақамига қўнғироқ қилиш керак.

## МЕНИНГ РАҚАМИМ

**«Менинг рақамим»** бепул USSD хизмати билан МТС абоненти ўз рақамини, тариф режаси номини ва шу тарифга уланган санани осонгина билиб олиши мумкин.
Абонентлар ушбу хизматдан телефонлари тармоқдан вақтинчалик ўчириб қўйилганда ҳам фойдаланишлари мумкин.
Бунинг учун қуйидаги рақамга қўнғироқ қилиш етарли: ***111*100#**
Бунга жавобан абонентга унинг ҳозирги тариф режаси номи ва ушбу тарифга уланган сана кўрсатилган USSD-хабар келади:

Масалан, «Vash nomer +998XXXXXXXXX. Tekuchiy plan obsluzhivanie XXXX, ustanovlen dd.mm.gggg»
Хизматдан барча тариф режа абонентлари фойдаланишлари мумкин.

## ТАШРИФНОМА

**«Ташрифнома»** хизмати орқали сиз ўз мобил рақамингиз тўғрисида дўстларингиз ва яқинларингизга хабар беришингиз мумкин. Телефон рақамингиз ва Ф.И.Ш.ни териш керак эмас, тизим автоматик тарзда сизнинг рўйхатдан ўтган маълумотларингизни аниқлайди ва SMS-хабар шаклида сўровда рақами кўрсатилган манзилга юборади. Бунинг учун USSD-командаси рақамига қўнғироқ қилиш керак: ***105*телефон рақами халқаро форматда#**.
Ташрифномани 1030909 рақамли Тошкент ш. абонентига юбориш мисоли: ***105*998971030909#**

## МЕНГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ

Ушбу хизмат Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистон исталган мобил алоқа операторларининг абонетига қўнғироқ қилиш илтимосини осон ва тез юбориш имконини беради.
Сиз дўст ва яқинларингизнинг қўнғироғини кутаётганингизни уларга билдириш учун телефон рақами киритиладиган жойда қуйидаги командани теришингиз керак:

***110*халқаро форматдаги абонент рақами#** (Ўзбекистон мобил операторлари абонентлари учун); ***110*7XXXXXXXXXX** (Россия ва Қозоғистон мобил операторлари абонентлари учун).
Шундан кейин сиз кўрсатган рақамга қуйидаги хабар боради:
«Абонент +998XXxxxxxxx Сизни қўнғироқ қилишингизни сўрамоқда».

Юборилган USSD-сўровга абонент қуйидагича жавоб олиши мумкин:

«+998XXxxxxxxx га хабар етказилди»
«+7XXXXXXXXXX га хабар етказилди»
«Абонент рақамини халқаро форматда кўрсатинг»
«+998XXxxxxxxx га юборилган хабар қабул қилинди»
«+7XXXXXXXXXX га юборилган рақам қабул қилинди»
«+7XXXXXXXXXX ўчирилган»
«+998XXxxxxxxx ўчирилган»
«Ўз рақамингизга хабар юбориб бўлмайди»

## МОБИЛ E-MAIL

**«Мобил E-mail»** - бу бепул хизмат бўлиб, абонентларга ўз мобил телефонларида **www.mail.ru** ва **www.doda.uz** серверларидаги почта қутисига келган янги мактубларни олганлиги тўғрисида автоматик SMS-хабар олиш имконини беради.

Абонент қутисига янги мактублар келганда почта сервери почта қутисини созлашда абонент томонидан кўрсатилган МТС мобил телефони рақамига автоматик равишда SMS-хабар юборади. SMS-хабар матнида wap-саҳифа жой олган бўлиб, у бўйича абонент янги хатга эга бўлган электрон саҳифага шу ондаёқ ўтиши ва уни ўз телефонида ўқиб чиқиши мумкин. Бундан ташқари, абонент бевосита ўз мобил телефонидан келган хабарларга жавоб бериши, кераксиз хабарларни олиб ташлаши ва шу каби бошқа ишларни амалга ошириши мумкин.

Хизматни активлаштириш ва ундан фойдаланиш учун абонент:

- **GPRS–WAP+INTERNET+MMS** хизматига мослашган мобил телефонга эга бўлиши зарур ва ушбу хизмат уланган бўлиши лозим
- **www.mail.ru** ва **www.doda.uz** серверларидан ўз электрон қутисини создашда халқаро форматда (масалан, +998971030909) ўз мобил телефони рақамини кўрсатиши зарур.

**«Мобил E-mail»** хизматига уланиш ва ундан фойдаланиш - бепул, абонент электрон почта билан ишлаётганда wap-трафик учунгина ҳақ тўлайди.

## ТУНГИ МУЛОҚОТ

Барча тариф режаларига уланган МТС абонентлари учун мўлжалланган янги **«Тунги мулоқот»** хизмати абонентларга тунда (00:00 дан 07:00 гача) арзонроқ мулоқотда бўлиш имконини беради.

Қолган қўнғироқлар ва SMS-хабарлар хизмат амалда бўлган вақтда абонент уланган тариф режасига мувофиқ нархланади.

**Хизматни активлаштириш ва ўчириш:**

- **«Мобил портал» 111#** ёрдамида;
- **«Интернет ёрдамчи»** орқали ҳамда

| | Активлаштириш | Ўчириш |
|---|---|---|
| **USSD-командалар** | ***111*0231#** | ***111*0230#** |
| **SMS** | **616023** рақамига **1** юбориш | **616023** рақамига **0** юбориш |

Хизмат активлаштирилганда абонент ҳисобидан жорий ой учун абонент тўлови олинади.
Ҳисобда пул бўлса хизматга уланиш мумкин (активлаштирилгандан кейин ҳисобда камида $1 қолиши керак).
Тариф режаси ёки рақам ўзгартирилганда хизмат активлигича қолади.
Хизматдан абонент Ўзбекистон ҳудудида МТС-Ўзбекистон тармоғида бўлганда амалда бўлади.

## МОБИЛ - ПОРТАЛ

**Мобил портал** барча кўп сонли USSD-хизматлардан осон ва қулай фойдаланиш имконини беради. Энди барча USSD-командаларни ёдлаб юришга ҳожат йўқ. ***111#** командасини жўнатинг ва телефон экранида ахборот ва хизматлардан иборат тўлиқ меню пайдо бўлади.

**«Мобил портал»**нинг бош менюсида қуйидаги 5 пунктни кўрасиз – **1>Hisob, 2>Mobil yordamchi, 3>O'yin-kulgu, 4>Otkritkalar (Номалар), 5>Ob-havo, 6>Valyutalar kursi**. **«Жавоб»** тугмасини босиб ва клавиатурадан талаб этилган бўлимнинг тартиб рақамини териб, абонент маълумотлар ва хизматлар рўйхатидан иборат бўлган менюнинг кейинги бўлимларига ўтади, ушбу маълумотлар ва хизматлар рўйхатини юқорида таърифланган усулда олиш ва активлаштириш мумкин.

| 1 Даража | 2 Даража |
|---|---|
| **1>Hisob** | 1>Hisobni tekshirib ko'rish |
| | 2>Karta bo'yicha hisobni to'ldirish |
| | 0>Orqaga |
| **2>Xizmatlardan foydalanish** | 1>Tarif rejasini o'zgartirish |
| | 2>Xizmatlarni boshqarish |
| | 3>To'g'ridan-to'g'ri o'tkazish |
| | 0>Orqaga |

| | |
|---|---|
| **3>O'yin-kulgu** | 1>GOODOK<br>2>O'yinlar<br>3>Musiqalar<br>4>Video<br>5>Rasmlar<br>6>Animatsiya<br>7>Qiziqarli<br>8>Yuklash<br>0>Orqaga |
| **4>Otkritkalar** | 1>Olish<br>2>Info<br>0>Orqaga |
| **5>Ob-havo** | 1>Har kunlik<br>2>Bugun<br>3>Ertaga<br>0>Orqaga |
| **6>Valyutalar kursi** | 1>USD kursi<br>2>EUR kursi<br>3>RUB kursi<br>0>Orqaga |

**Масалан, ўз ҳисобингиз ҳолатини билиш учун:**
***111# териб, қўнғироқ қилиш зарур** – бир неча сониядан сўнг телефон экранида қуйидаги пунктларга эга бўлган бош меню пайдо бўлади:

**1> Hisob**
**2>Mobil yordamchi ...**

Телефонда **«Жавоб»** тугмасини, сўнгра **1** рақамли клавишани босиш

Қуйидаги рўйхат пайдо бўлади:
**1> Hisobni tekshirib ko'rish**
**2> Karta bo'yicha hisobni to'ldirish**
**0> Orqaga**

Телефонда **«Жавоб»** тугмасини ва **1** рақамли клавишани босиш

Экранда ҳисобнинг ҳолати тўғрисида маълумот олиш мумкин бўлган тиллар рўйхати пайдо бўлади:
**1>O'zbek tilida**
**2>Rus tilida**
**3>Ingliz tilida**
**0>Orqaga**

Телефонда **«Жавоб»** тугмасини ва **1** рақамли клавишани босиш – ўзбек тилида ҳисобнинг ҳолати тўғрисидаги хабар телефонга етиб келади.

Агар сиз хато қилиб менюнинг бирор-бир бўлимига кириб қолсангиз ва орқага қайтишни хоҳласангиз, **«Жавоб»** тугмасини ва **0** рақамли клавишани босиш зарур. **«Мобил-портал»**дан фойдаланиш – бепул, пулли хизматлардан фойдаланиш учунгина ҳақ олинади.

* **«Мобил-портал»**дан барча тариф режалари абонентлари фойдаланишлари мумкин.

## МОБИЛ ЁРДАМЧИ

Энди зарур бўлган USSD командасини териб, балансни текшириш, тўлов карта-си ёрдамида ҳисобни тўлдириш, дўстингиз қўнғироқ қилишини илтимос қилиш, қўшимча хизматларни бошқариш мумкин!

### Ҳисоб ҳолати бўйича маълумот – Post Paid тизимидаги абонентлар учун (хизматларни OFF-Line нархланиши)

Ҳисоб ҳолати ҳақида ахборот олиш учун абонент USSD-командалар рақамига қўнғироқ қилиши керак: рус тилида олиш учун - ***100#**; ўзбек тилида олиш учун - ***100*1#**; инглиз тилида олиш учун - ***100*3#**.

Қуйидаги мазмундаги жавоб келади:

- «Сиз $ XX аввалдан тўлагансиз. 01.0X.0X дан бошлаб $ X, XX ҳисобланган»
- «Сизнинг қарзингиз $ XX, X ( xxxx сўм, курс бўйича $1= xxxx сўм)»

### Ҳисоб ҳолати бўйича маълумот – Pre Paid тизимидаги абонентлар учун (хизматларни ON-Line нархланиши)

Ҳисоб ҳолати ҳақида ахборот олиш учун абонент ***100#** USSD-команда рақамига қўнғироқ қилиши керак. Бунда абонент ахборот олиш тилини қуйидагича танлаш имкониятига эга:

Ўзбек тили - ***111*10*1#**
Рус тили (лотин ҳарфларида) – ***111*10*2#**
Рус тили (кирилл ҳарфларида) – ***111*10*3#**

Қуйидаги мазмундаги жавоб келади:

- «Sizning hisobingizdagi balans XX,XX USD»
- «Balans Vashego scheta XX,XX USD»
- «Баланс Вашего счета $XX,XX»

Бирор-бир сабабларга кўра абонентга хизмат кўрсатиш имкони йўқ бўлганда «Серверда хатолик. Кейинроқ уриниб кўринг» деган хабар юборилади.

### Ўз тариф режангизни билиш

Ўз тариф режангизни билишингиз учун ***111*100#** USSD-команда рақамига қўнғироқ қилишингиз керак.

## ХИЗМАТЛАРНИ БОШҚАРИШ

| Хизмат | Ҳолатни текшириш | Ёқиш | Ўчириш |
|---|---|---|---|
| GPRS-WAP+INTERNET+MMS | *111*001# | *111*0011# | *111*0010# |
| Халқаро алоқадан фойдаланиш имконияти | *111*002# | *111*0021# | *111*0020# |
| Маълумотларни узатиш | *111*003# | *111*0031# | *111*0030# |
| Қўнғироқни бошқа рақамга йўналтириш | *111*005# | *111*0051# | *111*0050# |
| Конференц-алоқа | *111*006# | *111*0061# | *111*0060# |
| Шаҳарлараро алоқадан фойдаланиш имконияти | *111*007# | *111*0071# | *111*0070# |
| Чақириқни кутиш | *111*008# | *111*0081# | *111*0080# |
| Чақириқни ушлаб туриш | *111*009# | *111*0091# | *111*0090# |
| Рақамни аниқлашни тақиқлаш | *111*010# | *111*0101# | *111*0100# |
| Рақамни аниқлаш | *111*011# | *111*0111# | *111*0110# |
| Халқаро роуминг | *111*012# | *111*0121# | *111*0120# |
| Сизга қўнғироқ қилишди! | *111*013# | *111*0131# | *111*0130# |
| Good`ok | *111*014# | *111*0141# | *111*0140# |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Ўз ҳисобидан мобил пул ўтказишни тақиқлаш | *111*015# | *111*0151# | Компания офисларига мурожаат қилиб тақиқни бекор қилиш мумкин |
| Хизмат кўрсатишни вақтинчалик тўхтатиш | | *111*0161# | *111*0160# |
| Тунги мулоқот | *111*023# | *111*0231# | *111*0230# |
| Тунги интернет | *111*024# | *111*0241# | *111*0240# |
| Менинг ҳисобим | *111*025# | *111*0251# | *111*0250# |
| Контент хабарларни тақиқлаш | *111*027# | *111*0271# | *111*0270# |
| МТС-синхронлаштириш | *111*028# | *111*0281# | *111*0280# |
| Яқин мамлакатлар | *111*029# | *111*0291# | *111*0290# |
| Ишончли тўлов | | *111*32# | |

## SMS ЁРДАМЧИ

Қўшимча хизматларни **SMS** орқали бошқариш тизими. **«SMS-Ёрдамчи»** хизмати ёрдамида абонентлар мустақил равишда телефонлари орқали хоҳлаган пайтларида қўшимча хизматларни ёқишлари ва ўчиришлари мумкин!
Энди хизматни телефонингизга ўрнатиш учун компания офисларига мурожаат қилишингиз шарт эмас – керакли хизматни ёқиш ёки ўчириш учун SMS орқали **1** (бир) ёки **0** (нол) рақамини юборасиз холос.

**Қўшимча хизматлар рўйхати:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **616000** | Хизмат рақамлари рўйхатини олиш | **616012** | Халқаро роуминг |
| **616001** | GPRS | **616013** | Сизга қўнғироқ қилишди! |
| **616002** | Халқаро алоқадан фойдаланиш имконияти | **616014** | GOOD`OK |
| **616003** | Маълумотларни узатиш | **616023** | Тунги мулоқот |
| **616005** | Қўнғироқни бошқа рақамга йўналтириш | **616024** | Тунги Интернет |
| **616006** | Конференц-алоқа | **616025** | Менинг ҳисобим |
| **616007** | Шаҳарлараро алоқа хизмати | **616027** | Контент хабарларни тақиқлаш |
| **616008** | Чақириқни кутиш | **616028** | МТС-синхронлаштириш |
| **616009** | Чақириқни ушлаб туриш | **616029** | Яқин мамлакатлар |
| **616010** | Рақамни аниқлашни тақиқлаш | **616099** | VIP-кун |
| **616011** | Рақамни аниқлаш | | |

**«SMS-Ёрдамчи»** рақамига SMS юбориш – бепул.

### «SMS-ЁРДАМЧИ» ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ:

1. Рақамлар рўйхати ва хизматлар номини олиш учун **616000** рақамга **SMS** орқали бўш хабарни юборинг.
2. Хизматни ёқиш учун **SMS** орқали **1** (бир) сонини тегишли қисқа рақамга юборинг. Хизматни ўчириш учун хизматнинг керакли рақамига **0** (нол) сонини юборинг.
3. Хизмат ҳолатини текшириш учун текширилаётган хизмат рақамига бўш **SMS**-хабарни юборинг.
4. **«Плюс» SIM** карточка эгалари **«SMS-Ёрдамчи»** хизматидан телефон менюси орқали фойдаланишлари мумкин. Бунинг учун янги менюни активлаштиринг, унда ўз навбатида янги **«*Хизматлар»** сатри пайдо бўлади.

**«SMS-Ёрдамчи»** хизмати орқали ёқиладиган хизматлар учун, шунингдек даврий хизматнинг бир марталик ёки ойлик нархлари бўйича, компанияда ўрнатилган тарифлар бўйича ҳақ олинади.

## ИНТЕРНЕТ ЁРДАМЧИ

**«Интернет ёрдамчи»** - бу МТС компанияси абонентининг шахсий маълумотларига доимий тарзда компьютер орқали уланиш имкониятидир. Post Paid тизимидаги (хизматларни OFF-LINE нархланиши) абонентлар Интернет тармоғи орқали компаниянинг махсус **http://my.mts.uz** сайтига, Pre Paid тизимидаги (хизматларни ON-LINE нархланиши) абонентлар эса **https://ip.mts.uz** сайтига кириши мумкин.

МТС компанияси абонентнинг шахсий маълумотлари махфийлигини **«Интернет ёрдамчи»**ига ҳимояланган ҳолда кириш билан тўлиқ таъминлайди. OFF-LINE тизимидаги абонентлар учун **«Интернет ёрдамчи»**ига киришда SIM-картанинг PUK-кодини киритиш йўли билан парол олиш кўзда тутилган. ON-LINE тизимидаги абонентлар эса, телефон орқали юбориладиган махсус USSD-сўров ёрдамида ўзлари **«Интернет ёрдамчи»**ига кириш учун парол ўрнатишлари мумкин.

**«Интернет ёрдамчи» орқали абонент қуйидаги маълумотлардан фойдаланиши мумкин:**

- **«Баланс»** - абонент ҳисобидаги жорий баланс;
- **«Тўловлар»** - танланган давр учун абонент томонидан амалга оширилган тўловлар;
- **«Сўзлашувлар»** - танланган давр мобайнида сўзлашувлар, SMS, MMS, маълумотларни узатиш трафики тўғрисидаги батафсил маълумотлар рўйхати;
- **«Хизматлар»** - абонент телефонига созланган қўшимча хизматлар ҳолати. Шунингдек, реал вақт режимидан айрим даврий хизматларни ёқиш ва ўчириш мумкин (**«SMS дан фойдаланиш»**, **«Интернет ёрдамчи»** бундан мустасно);
- **«Режалар»** - хизмат кўрсатиш режасини алмаштириш*;
- **«SMSни юбориш»** - МТС компанияси абонентларига SMS*;
- **«Севимли рақам»** - «Севимли рақам» хизматини ёқиш/ундан фойдаланиш

* Мазкур хизматлар пулли

## ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

1. **Хизматга уланиш**

   **1.1. Жисмоний ва юридик шахслар учун** абонент рўйхатдан ўтган МТС бўлинмасига **«Интернет ёрдамчи»** қўшимча хизматига уланиш учун мурожаат этиши керак. Хизматга уланиш ва ундан фойдаланиш - **БЕПУЛ**.

**1.2. Камида 3-GSM-рақамига эга** ва **«Корпоратив Интернет ёрдамчи»** хизматини улаш хоҳишида бўлган **юридик шахслар** ва **хусусий тадбиркорлар** (барча телефонлар бўйича маълумотларни кўриб чиқиш ва мазкур мижоз телефон хизматларини бошқаришга қодир корпоратив тарзда фойдаланиш имкони мавжуд бўлган мижоз-администраторнинг телефонларидан бирига созланади), «Ариза»ни тўлдиришлари лозим (ариза бланкини абонент рўйхатдан ўтган бўлинмадан ёки **http://my.mts.uz** сайтидан олишлари мумкин) ва абонент рўйхатдан ўтган компания бўлинмасига **«Корпоратив Интернет ёрдамчи»** даврий хизматини ўрнатиш ва ёқиш учун мурожаат қилиши мумкин. **«Корпоратив Интернет ёрдамчи»** хизматини улаш ва ундан фойдаланиш **БЕПУЛ**.

2. **OFF-LINE тизимидаги абонентлар учун:**
   **«Интернет ёрдамчи»** хизматига улангандан сўнг Интернетга уланиш имкони бўлган исталган компьютердан шахсий маълумотни кўриш имкониятига эга бўлиш мумкин. **«Интернет ёрдамчи»**га кириш учун Интернет тармоғидаги **http://my.mts.uz** сайтга кириш зарур. **«Интернет ёрдамчи»**га ҳар гал киришда вақтинчалик парол олиш керак. Бунинг учун «Паролни олиш» манбани танлаш керак (белгиланган тартибда у танланиб бўлган), сўнг «Тегишлилик» рўйхатидан бўлинма танланади (телефон рақами вилоят коди билан берилади), телефоннинг мобил рақами киритилади ва PUK-код (8 сон)***, кейин эса «Парол» тугмасини босиш зарур. Шундан сўнг мобил телефонга SMS-хабар орқали парол келади. Парол **SMS** орқали **олингандан сўнг 60 дақиқа** ичида фойдаланиши керак.

   Вақтинчалик паролни олгандан сўнг қуйидагилар зарур: «Паролни киритиш»ни танлаш (пароль **SMS** орқали юборилганидан сўнг у автоматик тарзда танланади), «Тегишлилик» рўйхатидан бўлинмани танлаб, мобил телефон рақамини, **PUK**-кодни териб, «Кириш» тугмасини босиш керак.
3. **ON-LINE тизимидаги абонентлар учун:**
   Хизматга улангандан сўнг «Интернет ёрдамчи»га кириш учун парол ўрнатиш керак. Бунинг учун мобил телефондан қуйидаги USSD-сўровни юбориш керак: ***111*4*XXXXXXX#** - бу ерда “**X**” 0 дан 9 гача бўлган ихтиёрий сон.
   Шундан сўнг, Интернетга уланиш имкони бўлган исталган компьютердан **https://ip.mts.uz** сайтига кириш керак. Сайтнинг бош саҳифасида «Тегишлилик» рўйхатидан бўлинма танланади, уяли телефон рақами ва «Интернет ёрдамчи»га кириш учун шахсий парол киритилади ва «Кириш» тугмаси босилади.
4. Муваффақиятли рўйхатга олингандан сўнг экраннинг юқори қисмида сайт бўлимларидан фойдаланиш учун қўшимча тугмалар пайдо бўлади.

*** Абонент МТС компанияси тармоғига уланиш даврида олган пластик карта (ёки конвертда) PUK-код кўрсатилган бўлади. Агар бу карта сақланиб қолмаган бўлса, 0890 қисқа рақами орқали Алоқа марказига қўнғироқ қилиб, PUK-кодингизни айтишларини сўрашингиз мумкин.

## СИЗГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИШДИ!

Бу хизмат сиз вақтинчалик телефонингизни ўчирган ёки МТС тармоғи хизмат доирасидан чиққан бўлсангиз ёки телефонингиз банд бўлган бўлса, бу ҳолда сиз муҳим қўнғироқни ўтказиб юбормаслигингиз учун хизмат қилади. Энди сизда барча жавобсиз қолган қўнғироқлар ҳақида хабардор бўлиш имконияти бор.

**«Сизга қўнғироқ қилишди!»** хизматидан фойдаланинг. Энди мобил телефонингиз бир оз танаффусдан сўнг яна МТС тармоғида рўйхатдан ўтганда, сиз қуйидаги маълумотлар акс этувчи SMS-хабарни оласиз:

- сизга қилинган қўнғироқлар;
- умумий жавобсиз қолган қўнғироқлар сони;
- ҳар бир қўнғироқ қилгандан олинган жавобсиз қолган қўнғироқлар сони;
- ҳар бир қўнғироқ қилгандан келган қўнғироқ вақти ва санаси.

**«Сизга қўнғироқ қилишди!»** хизматидан роумингда ҳам фойдаланиш мумкин. Шуни ёдда тутиш зарурки, хизматнинг ўзи ва МТС тармоғида кириш SMSлар бепул бўлсада, айрим мамлакатларда кириш SMSлар учун мобил алоқа операторлари томонидан ҳақ олинади.

### ХИЗМАТГА УЛАНИШ:

1. Компаниянинг абонентларга хизмат кўрсатиш офисига мурожаат этиб;

2. **«Интернет ёрдамчи»** тизими орқали (**http://my.mts.uz ёки https://ip.mts.uz**);
3. **«Мобил ёрдамчи»** орқали:
   1. ***111*0131#** рақамга USSD-сўровни юбориб;
   2. **616013** рақамга **1** ни SMS орқали юбориб.

**Диққат!** Хизматни улашда автоматик тарзда **«Сизга қўнғироқ қилишди!»** хизмат рақамига «Хизмат доирасидан ташқарида», «Банд» шартлари бўйича бошқа рақамга юбориш белгиланади. Бу ўринда илгари белгиланган бошқа телефон рақамга йуналтириш (переадресация) бекор қилинади.

**«Сизга қўнғироқ қилишди!»** хизмати унга абонент уланиши биланоқ ишлай бошлайди.

ХИЗМАТНИ БОШҚАРИШ:

«Хизмат доирасидан ташқарида/Ўчирилган» шарти бўйича жавобсиз қолган қўнғироқлар тўғрисида SMS-хабарларни олиш учун қуйидагилар зарур:
Мобил телефонингиздан ****62*+998970000007#** қўнғироқ қилинг ёки мобил телефон менюси орқали:

- «Бошқа рақамга юбориш»/«Call divert» бўлимига киринг
- «Хизмат доирасидан ташқарида»/«Out of reach» шарти бўйича бошқа рақамга юборишни танланг
- «Ёқиш»/«Set» ни босинг
- пайдо бўлган шаклга +998970000007 киритинг ва ОК босинг.

«Банд» шарти бўйича жавобсиз қолган қўнғироқлар тўғрисида SMS-хабар олиш учун қуйидагилар зарур:

Мобил телефонингиздан ****67*+998970000007#** рақамга қўнғироқ қилинг ёки мобил телефон менюси орқали:

- «Бошқа рақамга юбориш»/«Call divert» бўлимига киринг
- «Банд»/«On busy» шарти бўйича бошқа рақамга юборишни танланг
- «Ёқиш»/«Set» ни босинг
- пайдо бўлган шаклга +998970000007 киритинг ва ОК босинг.

**Диққат!** Агар сизда «Қўнғироқни кутиш» хизмати активлашган бўлса, «Банд» «On busy» шарти бўйича бошқа рақамга юборишни ўрнатиш тавсия этилмайди. Акс ҳолда кутиш жараёнидаги қўнғироқ тўғрисидаги маълумот такроран SMS-хабар бўлиб келиши мумкин.

Агар сиз «Хизмат доирасидан ташқарида/Ўчирилган» шарти бўйича ўтказиб юборилган қўнғироқлар ҳақида SMS-хабарни олишни истамасангиз, унда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

Мобил телефонингиз орқали **##62#** рақамга қўнғироқ қилинг ёки мобил телефон менюси орқали қуйидагиларни амалга оширинг:

- «Бошқа рақамга юбориш»/«Call divert» бўлимига киринг
- «Хизмат доирасидан ташқарида»/«Out of reach» шарти бўйича бошқа рақамга юборишни танланг
- «Ўчириш»/«Cancel»ни босинг

Агар сиз «Банд» шарти бўйича ўтказиб юборилган қўнғироқлар ҳақида SMS-хабарни олишни истамасангиз, унда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:
Мобил телефонингиз орқали **##67#** рақамга қўнғироқ қилинг ёки мобил телефон менюси орқали қуйидагиларни амалга оширинг:

- «Бошқа рақамга юбориш»/«Call divert» бўлимига киринг
- «Банд»/«On busy» шарти бўйича бошқа рақамга юборишни танланг
- «Ўчириш»/«Cancel»ни босинг

**Диққат!** «Хизмат доирасидан ташқарида/Ўчирилган» ёки «Банд» шарти бўйича

бошқа рақамга юборишни бошқа телефон рақамга ўрнатишда **«Сизга қўнғироқ қилишди!»** хизмати рақамига мазкур шарт бўйича бошқа рақамга юбориш ўрнатилмагунча, сиз «Хизмат доирасидан ташқарида/Ўчирилган» ёки «Банд» шарти бўйича ўтказиб юборилган қўнғироқлар тўғрисидаги SMS-хабарни олмайсиз.

## ХИЗМАТНИ ЎЧИРИШ:

**«Сизга қўнғироқ қилишди»** хизматини ўчириш:

1. Компаниянинг офисларига мурожаат этиб;
2. «Интернет ёрдамчи» тизими орқали (**http://my.mts.uz ёки https://ip.mts.uz**);
3. Мобил ёрдамчи орқали:
   ***111*0130#** рақамга қўнғироқ қилиб, USSD-сўровни юбориб;
4. SMS-ёрдамчи орқали:
   **616013** рақамига «**0**» ни SMS орқали юбориб.

## «СИЗГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИШДИ!» ХИЗМАТИНИНГ МАНЗИЛЛАР КИТОБИ

Сиз ўзингизнинг **«Сизга қўнғироқ қилишди!»** хизмати манзиллар китобини яратишингиз мумкин. Бу ҳолда ўтказиб юборилган қўнғироқ ҳақидаги SMS-хабарда сизни чақирган абонент рақами ёнида **«Сизга қўнғироқ қилишди!»** манзиллар китобига рақам қўшишда кўрсатилган исм келтирилади.

**«Сизга қўнғироқ қилишди!»** манзиллар китобингизга рақамни киритиш учун қисқа **808** рақамига қуйидагича мазмундаги SMS-хабарни юбориш зарур:

**+ab +телефон рақами исми**

Телефон рақами ҳалқаро форматда олдинда «+» белгиси билан кўрсатилиши лозим.

Телефон рақамидан кейин кўрсатилган барча белгилар исм сифатида қабул қилинади.

Масалан: +ab +998971030909 MTS Ma'lumot markazi

Бунга жавобан сиз қуйидаги хабарни оласиз: «Абонент қўшилди +998971030909 (MTS Ma'lumot markazi)».

Энди +998971030909 рақамдан ўтказиб юборилган қўнғироқда сиз масалан қуйидагича мазмундаги SMS-хабарни оласиз: «Sizga qo'ng'roq qildil +998971030909 (MTS Ma'lumot markazi) (1) 15.09.07 00:45:45da.».

**«Сизга қўнғироқ қилишди!»** манзиллар китобидан рақамни ўчириш учун қисқа **808** рақамига қуйидаги мазмундаги SMS-хабарни жўнатиш зарур: -ab +телефон рақами.

Телефон рақами халқаро форматда олдинда «+» белгиси билан кўрсатилиши лозим.

Масалан: -ab +998971030909

Бунга жавобан сиз қуйидаги хабарни оласиз: «Манзиллар китобидан абонент ўчирилган +998971030909»

**«Сизга қўнғироқ қилишди!»** манзиллар китобингиздаги қайдларни кўриб чиқиш учун қисқа **808** рақамига list ab матни билан SMS-хабарни юборинг.

## «ҚОРА» ВА «ОҚ» РЎЙХАТЛАР

Ўтказиб юборилган қўнғироқлар тўғрисидаги хабарларни «қора» (black) ёки «оқ» (white) рўйхатларни активлаштириш орқали бошқаришингиз мумкин. **«Сизга қўнғироқ қилишди!»** хизматини улагандан сўнг «қора рўйхат» (black-лист) режими созланади. Бу дегани, сиз «қора рўйхатга» киритилган рақамлардан ташқари барча сизни чақирган абонентларнинг ўтказиб юборилган қўнғироқлари ҳақидаги хабарномаларни оласиз.

Телефон рақамни «қора рўйхатга» киритиш учун қисқа **808** рақамига қуйидагича мазмундаги SMS-хабарни юбориш зарур: **+black +телефон рақами**

Телефон рақами халқаро форматда олдинда «+» белгиси билан кўрсатилиши лозим.

Масалан: +black +998971030909

Бунга жавобан сиз ушбу хабарни оласиз: « +998971030909 рақамдан хабарнома келмайди».

Телефон рақамини «қора рўйхатдан» ўчириш учун қисқа **808** рақамига қуйидагича мазмундаги SMS-хабарни юбориш зарур: **-black +телефон рақами**.

Телефон рақами халқаро форматда олдинда «+» белгиси билан кўрсатилиши лозим.

Масалан: -black +998971030909

Бунга жавобан сиз ушбу хабарни оласиз: «+998971030909 рақами хабарномалар қора рўйхатида мавжуд эмас».

Сизни чақираётган фақат муайян абонентларнинг ўтказиб юборилган қўнғироқлари ҳақидаги хабарномаларни олиш учун, сиз «қора рўйхат» режимидан «оқ рўйхат» (white-лист) режимига ўтишингиз керак. Бунинг учун қисқа **808** рақамига **white** матни билан SMS-хабарни юбориш зарур.

Бунга жавобан сиз ушбу хабарни оласиз: «Режим: фақат white-лист абонентларидан хабарнома».

Сиз истаган вақтингизда қисқа **808** рақамига **black** матнли SMS-хабарни юбориб, «Қора рўйхат»(black-лист) режимига ўтишингиз мумкин.

Бунга жавобан сиз ушбу хабарни оласиз: «Режим: black-листдан ташқари барча хабарномалар».

Телефон рақамини «Оқ рўйхатга» киритиш учун қисқа **808** рақамига қуйидаги SMS-хабарни юбориш зарур: **+white +телефон рақами**

Телефон рақами халқаро форматда олдинда «+» белгиси билан кўрсатилиши лозим.

Масалан: +white +998971030909

Бунга жавобан сиз ушбу хабарни оласиз: «+998971030909 рақамдан хабарномалар келади».

Телефон рақамини «Оқ рўйхатдан» ўчириш учун қисқа **808** рақамига қуйидаги SMS-хабарни юбориш зарур: **-white +телефон рақами**

Телефон рақами халқаро форматда олдинда «+» белгиси билан кўрсатилиши лозим.

Масалан: -white +998971030909

Бунга жавобан сиз ушбу хабарни оласиз: «Хабарномалар оқ рўйхатида +998971030909 рақами мавжуд эмас».

«Оқ» ва «қора» рўйхатларингизни кўриб чиқиш учун қисқа **808** рақамига **list** матни билан SMS-хабарни юборинг.

## ЯНА АЛОҚАДА (NOTIFY ME!)

Агар телефонингизга **«Сизга қўнғироқ қилишди!»** хизмати уланган ва «Хизмат доирасидан ташқарида» шарти бўйича ўтказиб юборилган қўнғироқлар ҳақида хабарнома ўрнатилган бўлса, сизни чақираётган абонентларга сиз яна хизмат доирасида эканлигингиз ҳақидаги хабарномани ўрнатиш мумкин.

Хизмат ёқилганидан кейин уланиш имконияти мавжудлиги тўғрисидаги хабарнома чақирувчи томонга юборилмайди.

Хабарномаларни юборишга рухсат олиш учун қисқа **808** рақамига **notify on** матни билан SMS-хабар юбориш керак.

Бунга жавобан сиз ушбу хабарни оласиз: «Бошқа абонентларни хабардор этиш ёқилган».

Энди хабарномалар сизни чақирган барча абонентларга боради, тақиқланганлар рўйхатига киритилганлар бундан мустасно.

Хабарномаларни фақат муайян рақамларга юборилишини чеклаш учун, тақиқланганлар рўйхатига рақамни қўшиш лозим. Бунинг учун қисқа **808** рақамига қуйидаги SMS-хабарни жўнатиш керак: **-notify +телефон рақами**

Телефон рақами халқаро форматда олдинда «+» белгиси билан кўрсатилиши лозим.

Масалан: -notify +998971030909

Бунга жавобан сиз ушбу хабарни оласиз: «+998971030909 рақам учун нотификациялар энди келмайди.»

Телефон рақамини тақиқланганлар рўйхатидан ўчириш учун қисқа **808** рақамига қуйидаги SMS-хабарни юбориш лозим: **+notify +телефон рақами**

Телефон рақами халқаро форматда олдинда «+» белгиси билан кўрсатилиши лозим.

Масалан: +notify +998971030909

Бунга жавобан сиз ушбу хабарни оласиз: «+998971030909 рақам учун нотификациялар энди келади.»

Айни пайтда рақам тақиқланганлар рўйхатидан ўчирилади ва рухсат этилган рўйхатга киритилади.

Хабарномалар юборилишини ўчириш учун қисқа **808** рақамига **notify off** матни билан SMS-хабарни юбориш керак.

Бунга жавобан сиз ушбу хабарни оласиз: «Бошқа абонентларга билдириш ёқилган».

Айни пайтда хабарномалар рухсат этилган рўйхатдаги рақамларга келиши давом этади.

**«Notify me»** тақиқланган ва рухсат этилган рақамлар рўйхатини кўриб чиқиш учун қисқа **808** рақамига **list notify** матни билан SMS-хабарни юбориш зарур.

## АЛОҚАДА

**«Алоқада»** хизмати МТС тармоғи ичида телефон рақамларини алмаштирган ёки МТСга уланишдан олдин Ўзбекистондаги бошқа мобил алоқа операторининг амалдаги рақамига эга абонентларга муҳим телефон рақамларини йўқотиб қўймаслик имконини беради.

**«Алоқада»** хизмати абонентнинг эски рақамига қўнғироқ қилинганда қўнғироқ қилган абонент телефон рақамидан янги телефон рақамига SMS-хабар юбориб, абонентни хабардор этиш имконини беради ҳамда қўнғироқ қилувчига абонентнинг янги рақамини кўрсатган ҳолда SMS-хабар юборади.

### ХИЗМАТНИ АКТИВЛАШТИРИШ УЧУН:

**1-қадам. *111*0131#** USSD-сўров юбориб, МТСнинг янги рақамида **«Сизга қўнғироқ қилишди»** хизматини ёқиш керак.

**2-қадам. *115*эски_рақам#** USSD-сўровини териш керак, бунда «эски_рақам» - бу абонентнинг 998 XX XXX XX XX форматидаги аввалги рақами.

Ўзбекистоннинг фақат GSM операторлари учун хизматдан фойдаланиш мумкин.

Хизмат бунга жавобан қуйидаги хабарлардан бирини юборади:

1. Тўғри сўров юборилганда (**«Сизга қўнғироқ қилишди»** хизмати ёқилган ва тўғри рақам кўрсатилган) —
   **Сиз кўрсатган +998 XXXXXXXXX рақамга хизматни активлаштириш учун PIN-код юборилди.**
2. Агар хорижий оператор рақами кўрсатилган бўлса —
   **Сўров нотўғри. Фақат Ўзбекистон GSM операторини кўрсатиш мумкин.**
3. Агар **«Сизга қўнғироқ қилишди»** хизмати ўрнатилмаган бўлса:
   - RED абонентлари учун (+99892XXXXXXX рақам серияси) —
     **«Сизга қўнғироқ қилишди» хизматини ўрнатинг (*111*2*7*1#га қўнғироқ қилинг) ва сўровингизни қайтаринг.**
   - Бошқа тариф режа абонентлари учун —
     **«Сизга қўнғироқ қилишди» хизматини ўрнатинг (*111*0131#га қўнғироқ қилинг) ва сўровингизни қайтаринг.**

Абонентнинг эски рақамига SMS-хабар юборилади. Унда кейинги ҳаракатларга доир кўрсатма келтирилади ҳамда тасдиқловчи PIN-код кўрсатилади.

**Абонентнинг эски рақамига юбориладиган хабар мисоли:**
Қайта юбориш хизматини ўрнатинг. ****21*+998974312345#**ни теринг. **«Алоқада»** хизматининг PIN-коди: XXXXX. Агар ушбу SMS сизга нотўғри юборилган бўлса, унга эътибор берманг.

**3-қадам.** Телефонга эски рақамга эга SIM-карта ўрнатиш ва ****21*+998974312345#** командасини териш.

Абонентнинг эски рақамига барча кирувчи қўнғироқларни +998974312345 сервис рақамига қайта юбориш хизмати ўрнатилади. Агар тариф режими доирасида эски рақамда абонент тўлови назарда тутилган бўлса, қайта юбориш хизмати пулли бўлиши мумкин.

**4-қадам.** Телефонга МТСнинг янги SIM-картасини ўрнатиш ва ***115*PIN-код#** USSD-сўровини териш, бунда «PIN-код» - бу абонентинг эски рақамига SMS-хабарда юборилган беш хонали сон (код тасодифий равишда пайдо бўлади).

Хизмат бунга жавобан қуйидаги хабарлардан бирини юборади:

Агар PIN-код тўғри бўлса:
"**«Алоқада»** хизмати ёқилди ва 30 кун амал қилади".

Агар PIN-код нотўғри бўлса:
"Нотўғри PIN- код терилди.
+998 XXXXXXXXX рақамига хабарда сизга юборилиган PIN-кодни теринг".

Шундан сўнг **«Алоқада»** хизмати активлаштирилади ва унинг янги рақамига унга қўнғироқ бўлгани ҳақида SMS-хабар ва абонентинг эски рақамига қўнғироқ қилган барча абонентларга унинг янги рақами кўрсатилган SMS-хабар юборилади.

**Маълумотли SMS матнлар:**
**«Алоқада»** хизмати ёқилган абонентга:
"+998 XXXXXXXXX рақамига +998 XXXXXXXXX абонент қўнғироқ қилди".

Қўнғироқ қилувчи абонентларга:
"+998XXXXXXXXX абонент ўз рақамини +998 XXXXXXXXXга ўзгартирди".

Абонент истаса унинг эски рақамига қўнғироқ қилувчи барча абонентларга янги рақами кўрсатилган SMS-хабар юборилишини автоматик тарзда ўчириб қўйиши мумкин. Бунинг учун тегишли USSD-сўров юбориш керак.

**Автоматик равишда SMS-хабар юбориш:**

